

Амалдаги паспортни биометрик паспортга алмаштириш, фамилияси ўзгарганлиги учун паспортни янгилаш муддати тўғрисида йўриқнома бўлмаса ҳам керак.

Қаердан ҳам бўларди? Милиция тўғрисидаги қонуннинг ўзи бўлмаса, паспорт бўлимидагилар иш услуби, вазифаси, мажбурияти нималардан иборат эканлигини, паспорт тайёрлаб бериш муддатини қаердан ҳам биларди? Бунингдек қоидалар қайси қонун асосида юзага келарди?

Шу боис бўлса керак, биометрик паспорт жорий этилгандан буён порахўрлик ва таъмагирликнинг янги



айтганда чолларнинг расми туширилган кўк қоғоз — \$) дан кечсангиз рангингиз самон бўлишига ҳожат қолмайди.

Сиз учун ўша “бобой”чалар юради, сиз учун ўша “чоллар” кутади, сиз учун ўшалар гапиради... ишни бир пасда битиради.

Барча амалдорлар каби ИИБнинг Хорижга чиқиш-кириш ва фуқароликни қайд этиш бўлими ходимлари ҳам ўшакўкимтир “бобойча”ларни хуш кўришади... “Бобой”чаларнинг рухсорини кўриш учун биометрик паспорт масаласида сунъий навбат ҳосил қилишадики, оқибатда одамлар ойлаб

БИОМЕТРИК ПАСПОРТ БЕРИШ КЕЧИКИШИГА ОВИР АЙБДОР ЭМАС...МИ?

қирраларига қатта трасса очиб берилди. Ўзи Ўзбекистонда ҳамisha шундай бўлади.

Маълум бир соҳанинг мукамал тизими яратилмасдан туриб, ҳаётга тадбиқ этилади, халқнинг шўрига шўрва тўкилади!

Худди оммавий тарзда пластик карточка ўтиш амалиётини мажбурий тарзда қўллашганлари каби.

Бу гал ҳам шундай бўлди.

Газнада сармоя етарлими, етарли эмасми, молиявий чиқим ҳисоб-китоб қилинми, йўқми, аҳолининг барча қатламини бирдек биометрик паспорт билан таъминлаш учун Ички ишлар вазирлигининг жойлардаги Хорижга чиқиш-кириш ва фуқароликни қайд этиш бошқарма ва бўлимлари жаҳон стандартларига жавоб берадиган зарурий орг.техникалар билан жиҳозланганми, йўқми, малакали мутахассислар бисёрми, ё ноёбми, бу масалалар борасида бош қотириб ҳам ўтиришмайди, ҳатто хомчўт ҳам қилиб кўришмайди. Биласиз, кўзи ожиз кимса пайпаслаб йўл ахтарарди. Ўзбекистон ҳукумати қадамларини сўқир кишининг одимларига ўхшатаман. Пайпаслаб, ҳавони – йўқликни сермаб ҳаракат қилишади.

Э, йўқ, бе йўқ биометрик паспортни жорий этилишини режасиз бошланган ишлар, таваккал ҳаракатлар сарасига киритиш мумкин.

Ҳукумат бошқарувининг томдан тараша тушгандек дабдурустан қилган бунингдек калтаўй қарорлари эса ҳеч бир муболағасиз халқнинг шусиз ҳам мушкул турмушини янада оғирлаштирмақда.

Бу гапни исботлаш учун исталган паспорт бўлими эшигини зиёрат қилишнинг ўзи кифоя.

Адоғи кўринмайдиган навбатлардан кўнглингиз айнийди.

Битта биометрик паспорт олиш учун бир шахс иши, қасбу корини йиғиштириб қўйиб, ойлаб навбат кутиши, паспортини топшириб қўйиб, биометрик паспортни кута-кута кўзи тешилиши керак. Бўлмаса, беҳисоб.

Кўлида паспорти бўлмаса, режадаги иши амалга ошмайдиган фуқаролар нима қилишади?

Уч ойлаб кутишадими?

Йўқ, Ўзбекистонда “иложи йўқ” деган сўзнинг ўзи йўқ. Қаловини топсангиз, қор ёнади.

Энг камида – ўлдим деганда 200-300 “бобойча”(халқ тили билан

кутишга мажбур бўлишади...

Ташкилотлардаги ҳужжатбозлик юмушлари паспортсиз битмайдиганлар, мушқули осон бўлмайдиганлар эса тоқатлари тоқ бўлгач кўкидан қистиришга мажбур бўлишади.... Паспорт бўлимидагилар кўкимтир “чол”ларни кўргач, уларнинг юзидан ўта олишмайди, “бобойча”ларнинг ҳурмати учун ҳар қандай ишни бир пасда дўндириб беришади...

Бизнинг каби “бобой”и йўқлар нима қилишади?

Паспортларини алмаштириш учун топшириш мақсадида, аввалига, икки уч ой навбат кутишади. Топшириб бўлишгач ҳам яна нақд уч ой кўзлари биометрик паспорт йўлида нигорон бўлишади.

1994 йилда туғилган қизим Ҳақимова Зарнигор Авазовна 2014 йилда биометрик паспорт олиб қўйганди. Оилали бўлгач, турмуш ўртоғининг фамилиясига ўтганлиги сабаб паспортини алмаштириш зарурати туғилиб қолди. ФХҚХ (ЗАГС)дагилар “Паспортингизни алмаштириш учун 20 кун муҳлат” дейишган

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

экан. Қизим Зарнигор адоғсиз навбатлар ва узоқ кутишлардан сўнг, 2015 йилнинг 4 декабр куни фамилияси ўзгарганлиги сабабли паспортини алмаштириш мақсадида Самарқанд вилояти Самарқанд туман ИИБнинг Хорижга чиқиш-кириш ва фуқароликни қайд этиш бўлимига зўр-баъзур (таниш-билиш қилиб) ҳужжат топширганди, қайта расмга тушганди, бармоқларидан нусха ҳам олинган эди. Ўшанда Зарнигор Авазовнага “20 иш кунида келасиз, паспортингиз тайёр бўлади” дейишганди.

Зарнигор эса 20 эмас, нақд 31 иш кунида мурожаат қилди.

Бироқ паспорт бўлинмасидаги ходимлар “Сизга ҳали йўл бўлсин? Энди октябрь ойда ҳужжат топширганларга паспорти берилмоқда. Сиз икки ойлардан кейин — мартнинг охирида келаверинг” дея жавоб қайтаришди.

“Наҳотки ҳужжат топширган шахс паспортини 3 ойдан кейин олса?” деган савол билан Самарқанд туман ИИБ паспорт бўлими бошлиғига мурожаат қилишнинг мутлақо имкони бўлмади. Бино эшигини синдиргудек бўлиб навбат кутиб турган ярим миллион одамлар орасидан ўтиш мушкуллик қилди....

Мен бу савол билан Ички ишлар вазирлигининг ишонч телефонига кўнғироқ қилиб жавоб топишга уч-тўрт бор уриниб кўрдим. ИИБнинг 233-39-39 – ишонч телефон рақами уч бор қилган кўнғироғимга ҳам жавоб қилмади. Гўшакни бирор зоғ кўтармади.

Маълумотлар бюросидан Ички ишлар вазирлигининг навбатчилик қисмини телефон рақами олишга мажбур бўлдим.

252-70-01 телефони — ИИБнинг навбатчилик қисмидагилар ҳартугул кўнғироғимга жавоб беришди.

“231-37-89 рақамига кўнғироқ қилинг, Ички ишлар вазирлигининг Хорижга чиқиш-кириш ва фуқароликни қайд этиш бошқармасидагилардан саволингизга жавоб олишингиз мумкин” деди 2016 йилнинг 15 январ куни соат тахминан 14.20 ларда гўшакни кўтарган навбатчилик қисми ходими.

231-37-89 рақамига терганимда, кўнғироғимга жавоб қилган ўзини таништирмаган ходим “Биопаспорт беришининг кечиктирилишига Ички ишлар вазирлигининг Хорижга чиқиш-кириш ва фуқароликни қайд этиш бошқармаси тизимидаги

ходимлар жавоб бермайди. Биометрик паспорт беришнинг кечикиши ОВИРдагиларга боғлиқ эмас. Бизнинг ходимларнинг юмуши суратга тушириш ва бармоқларнинг нусхасини олиш, холос. Биометрик паспортни ўз вақтида берилиши масаласига Республика Давлат персоналлаштириш Маркази мутахассислари масъул. Саволингиз ва арзингиз бўлса уларга айтишингиз мумкин” деган жавобни олдим.

— Яхши, розиман, илтимос, телефон рақамини берсангиз? — деган сўровимга “Бизда уларнинг координатлари йўқ” деган қисқа жавобни ва гўшакнинг қисқа “ду-ду” лаганини эшитдим.

10-09 рақамига — телефон рақамларининг маълумотлар бюросига сим қоқишга шошилдим.

Бюро ходимаси “Бир дақиқа” деди-да, ҳаял ўтмай, “Ҳурматли мижоз, узр, бизда Республика Давлат персоналлаштириш Марказининг телефон рақами ҳақида маълумотлар йўқ” экан деди ҳозиржавоблик билан.

Чорасиз қолгач, умид билан қонун ижросини назорат қилувчи органга — Бош прокуратуранинг 10-07 – ишонч телефон рақамларини тердим. У ердан автоматик тарзда аёл овози ўзбек ва рус тилларида “Сизнинг навбат рақамингиз 25, оператор жавобини кутинг” дея эълон қилди. Бу пайтда соат 14.33 эди. Ҳар 3 дақиқада нечанчи навбатда эканлигингиз ҳақида автомат хабардор қилиб тураркан.

Соат 14.53 да навбат камайди сабабли, 10 чи бўлиб навбатда турганлигимдан огоҳ этишди.

“Оператор жавобини кутинг” дейишганди, мен ҳам сабр билан кутдим. 40 дақиқадан кейин Бош прокуратура ишонч телефонининг гўшаги кўтарилди.

Паспорт бўлими ходимларининг биометрик паспортни фамилия ўзгарганлиги сабабли алмаштириб беришнинг тартиблари ҳақида бирор бир йўриқнома борми-йўқми? Умуман олганда биометрик паспортни алмаштириб бериш муддати қанча қилиб белгиланган? Бир ойми, уч ойми? Биометрик паспортни қонунда белгиланган тартибда ва белгиланган муддатда алмаштириб бериш масаласига ким масъул? Ички ишлар вазирлигининг Хорижга чиқиш-кириш ва фуқароликни қайд этиш бошқармаси тизимидаги ходимларми ёки Республика Давлат персоналлаштириш маркази мутахассисларими? Биометрик

паспорт берилишидаги хўжасизлик, сунъий навбатлар ортидан пайдо бўладиган таъмагириликларга ким жавоб беради? Шу масалада арзим бор эди” дедим... Айнан шундай демасам ҳам мазмунан шундай арз-ҳол қилдим... Овозим ёзиб олинди. “Сизга кўнғироқ қилишганда тўлиқ гапирасиз” дейишди-да гўшакни қўйиб қўйишди...;

Қаранг-а, Ўзбекистон деб аталмиш мамлакатнинг пойтахтида фуқаро уч-тўрт ойлаб паспортсиз бемалол юриши мумкин экан!

Нима, одамларнинг бошқа тирикчилиги йўқми?

У ҳолда ҳукумат яна битта фармон чиқариши керак эмасми? Масалан, мана бундай:

1) Амалдаги паспортини биометрик паспорт олиш учун топширган фуқароларнинг ташкилот ва идоралар аро ҳужжатлар билан боғлиқ барча ишлари, жумладан, маълумотномалар, ҳар қандай банк операциялари, пул ўтказмаларидаги жўнатмалар... барча-барчаси вақтинча паспортсиз амалга оширилсин;

2) Биометрик паспорт бериш муддати мутасадди идоралар, хусусан ИИБ тасарруфидаги бошқарма ва бўлим ходимлари айби билан кечиктирилаётганлиги сабабли Пойтахт ва шаҳар кўчаларида, метроларда паспорт текшириш режими вақтинча тўхтатилсин;

4) Меҳмонхоналар фуқаролардан шахсини тасдиқловчи ҳужжат — паспорт талаб этилмасин.

5) Давлат нотариал идоралари нотариал ҳужжатларни ҳайдовчилик гувоҳномасига таянган ҳолда тасдиқлаши белгилаб қўйилсин.

Нега?

Негаки, Ички ишлар вазирлигининг Хорижга чиқиш-кириш ва фуқароликни қайд этиш бошқармаси тасарруфидаги жамийки ҳудудий паспорт бўлимлари биометрик паспорт олиш учун қўлидаги шахсини тасдиқловчи ҳужжатини топширганлиги хусусида фуқароларга ҳеч бир ҳужжат тақдим этмайди, бирор бир маълумотнома бермайди-да!

Қиссадан ҳисса: “Отдан қолма эшшагим” дея йўрғилагандан кўра, энг аввало тизимни такомиллаштириш, мутахассислар малакасини ошириш, барча паспорт бўлимларини етарлича иш қуроллари, замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш керак эмасми?

Малоҳат ЭШОНҚУЛОВА
муштақил журналист, ҳуқуқ фаоли



Мана сизга эркинлик...

Расмий версияга кўра, ўтган йилнинг охирида Ўзбекистонда бошланган “режимни кучайтириш”га халқаро экстремизм хавфи сабаб бўлди. Милиция ижарадаги хонадонларни бирма-бир текширмоқда, кўчада йўловчиларни тинтув қилмоқда, бемахалда юрганларни ёппасига қўлга олмақда. Тошкентдаги “комендант соати” аслида қандай амалга оширилади, кўчадан кимлар милиция бўлимига олиб кетилмоқда, уларга қандай чора кўрилмоқда? Бунга муштарийларимиздан бири аноним тарзда жавоб беради.

“Ҳикоя қилганларимнинг ҳаммаси ҳақиқат.

Ўзбекистон — менинг ватаним. Тошкент шаҳрида туғилиб ўсганман, ўқиганман, университетни тамомлаганман. Мен ўзбекман.

“ИГИЛ-контроль”

Ҳозир бошқа мамлакат фуқаросиман. Аммо иш юзасидан Тошкентга кўп келаман. Бу сафар ҳам қариндошларим ва бизнес ҳамкорларимнинг таклифига кўра, 2015 йилнинг 30 декабрида янги йилни кутиб олиш учун келдим.

Кўнганимиздан сўнг аэропортда паспорт назоратидан ўта бошладим. Навбатда турган вақтимда юкларни бериш хонасидан аёл кишининг бақир-чақири эшитилди. Аёл “Менга барибир, жонимга тегдиларинг!” деб шовқин соларди. Паспорт назоратидан ўтгандан кейин бир тўда одамлар юклари билан қандайдир хонанинг олдида туриб, навбатма-навбат киришаётганини

кўрдим. Аёл кишининг овози қаердан келганини англадим. Аэропортдан чиққанимдан кейин тушунганим шу бўлдики, бу хонада “ИГИЛ-контроль” ўтказилиб, барча шубҳали шахслар сўроқ қилинар экан.

Хуллас, янги йилни нишонладик. 2016 йилнинг 1 январидан эса дўстларимнинг таклифи билан Тошкентнинг қоқ марказидаги ресторанга бордим. Соат 23:00 да ресторан ёпилди, биз эса

ташқарига чиқдик. Биз маст эмасдик, умуман спиртли ичимлик ичмадик, бор-йўғи кечки овқатни шу ерда еб, уй-уйимизга тарқалмоқчи эдик. Эрон элчихонаси ёнидаги кўчада кетаётиб, такси тўхтатдик.

Кутилмаганда, олдимишга такси эмас, “OTOYOL” туридаги автобус келиб тўхтади, ундан милиционер чиқиб, паспортларимизни кўрсатишни талаб қилди. Менинг паспортим ёнимда эди, кўрсатдим. Дўстимнинг پاسпорти ёнида эмас экан, аммо у ҳам Тошкентнинг марказида яшайди.

Милиция ходими бизнинг тушунтиришларимизга кулоқ ҳам солиб ўтирмасдан, мажбуран автобусга чиқариб, ТИИБ (РОВД) га йўл олди. Бизни тутиб туришга нима асос борлигини сўрасак, милиция **КОМЕНДАНТ СОАТИГА ЎХШАГАН ҚОНУН АМАЛ ҚИЛАЁТГАНИ ВА 23:00 ДАН КЕЙИН КўЧАДА ЮРИШ МУМКИН ЭМАСЛИГИНИ** айтди.

Комендант соати уруш ёки фавқулодда ҳолатлардагина жорий қилинади деб ўйларканман, аммо тинчлик пайтида, байрам пайтида ҳам бунақа чоралар қўлланар экан. Бизни қўлга олишга асос бўладиган ордерни кўрсатишни талаб қилганимизда, милиция ходимлари бизни сўроқ қилгандан сўнг қўйиб юборишларини, хавотирга ўрин йўқлигини айтишди. Амалда қонунлар қандай ишлашини билганим учун вазиятни таранглаштиргим келмади ва дўстимни қаршилик кўрсатмасдан автобусга чиқишга кўндирдим.

“Милиция, планни бажар!”

Йўл-йўлакай автобуснинг темир панжара қопланган деразасидан

кузатиб келдим, милиция ҳар қандай пиёданнинг олдида тўхтаб, суриштириб ўтирмасдан автобусга тикарди. Автобусда ўтириб, милиционерларнинг “одам йиғиш плани тўлмаётгани” ҳақидаги суҳбати кулоғимга чалинди. Йўл бўйида такси тўхтаётган одамлар автобусни кўриши билан қочаётгани, автобус яқинлашганида тўхтаган таксига шошиб чиқиб олаётганини кўрдим.

Буларни кўриб, ҳайратга тушдим. Илгари бунақа ҳолатни мардикорларда кўргандим, худди шу тарзда милиция автобуси келиб, уларни олиб кетарди. Энди бўлса ҳаммани шунақа қилишяпти, бу ким, қаерга, нимага кетаётгани ҳеч кимни қизиқтирмайди! **УМУМАН ФАРҚИ ЙЎҚ.** Ҳаммани ушлашяпти!

Автобусда пиёниста ва бошпанасиз одамлар ҳам бор эди. Автобуснинг орқа ўриндиқларида маст одамлар жимгина ухлаб ётарди. Қолганлар эса ичмаган, шунчаки иш бўйича қаёққадир кетаётганлар эди. Милиция планни бажариши керак, шу сабабли ҳамма ёқдан одам излади. Ҳатто уйдан нон олишга чиққан кишини ҳам ушлаб олишди. Бу кишининг ҳам паспорти йўқ экан, у автобусда ўтириб, энди уйга қандай қайтишни ўйларди. Чунки ёнида фақат нонга етарли пули бор экан!

“Автобус” планни бажаришга етадиган одамни йиғмагани учун, милиционерлардан бири кафе ёнида тўхташни маслаҳат берди, чунки у ерда “доим одам кўп бўлади”. Автобус кафе ёнида тўхтади, учта милиционер ичкарига кириб кетди, биз ёпиқ автобус ичида қолдик.

Беш дақиқадан сўнг улар қайтиб чиқди, ҳар бирининг қўлида озик-овқат ва нон солинган пакет бор эди. Ҳеч кимни ушлашмабди. Ҳамма автобусга ўтириб, энди тўғри РОВДга йўл олдик.

Йўл-йўлакай ўртоғим танишларига кўнғироқ қилиб, ёрдам сўрай бошлади. Бошқаларга ҳам ҳеч бўлмаганда яқинларига кўнғироқ қилиб, вазиятни тушунтиришига имкон берилди.

Ушлаб келтиришга сабаб топил

Бизни РОВДга олиб келишди. У ерда яна элликтгача одамни кўрдим, ҳаммасини сўроқдан ўтказишаётган эди: бармоқ изларини олиб, ён тарафидан, рўпарадан суратга

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

олишарди ва ҳоказо. Скамейкаларда мастлар ётарди. Ўртоғим ҳам шу жараёндан ўтказилди. Ёнида паспорти бўлмагани учун оғзаки маълумотларини ёзиб олишди. Менга навбат келганида, бошқа мамлакат фуқароси эканимни кўриб, бошқа хонага боришим кераклигини айтишди.

У хонада ҳеч ким йўқ экан. Мен қайтиб келиб, у ерда ҳеч ким йўқлигини айтдим. Улар умуман мужмал вазиятга тушиб қолишди, хорижий фуқарони нима қилишни билишмасди. Мени қандай расмийлаштириш кераклигини бир-биридан сўрашарди. Бирма-бир менинг олдимга келиб, ичган-ичмаганимни сўрашарди... Мен ичмаган эдим, шунинг учун ҳаммасининг тарвузи қўлтиғидан тушди. Мени кўйиб юборгилари келарди-ю, аммо кўйиб юборолмасди. Чунки ҚЎЛГА ОЛИНГАНМАН, АММО БУНГА САБАБ ЙЎҚ. Сабаб ўйлаб топиш керак эди.

Пировардида, автобусда биз билан келганларнинг ҳаммасини кўйиб юборишди. Ўртоғим ҳам кетиши мумкин эди, аммо мени қўллаб туриш учун ёнимда қолди. Энди нима бўлишини кутиб, кўчадаги скамейкада ўтирдим. Милиционерлар ўзаро суҳбатда ҳозир яна битта автобус келиши кераклигини, шунинг учун бинодан олдингиларни чиқариб юбориш кераклигини айтишарди. Шуни тушундимки, бу автобуслар худди жамоат транспортга ўхшаб, шаҳар бўйлаб қатнайди, фақат одамларни уйига эмас, турмага олиб келади. Яъни, бу автобуслар бир нечта бўлиб, улар жадвал бўйича кўчалардан юриб, жадвал бўйича РОВДга келади. Менинг тушунчамга кўра бу ўтакетган бемаънилик ва аҳмоқликдир. Бу милиционерлар ўз ишини қанчалик билиши ҳақида гапириб ҳам ўтирмайман: бу алоҳида муҳокамага лойиқ мавзу.

Бир соат кутганимдан сўнг, менинг муаммоимни ҳал қилиш керак бўлган одам келди. Паспорти олиб, ўзининг кабинетига кириб кетди. Эшигини ёпмагани учун нима қилаётганини кўриб, гапларини эшитиб турдим.

Паспорти роса варақлади, визаларимни диққат билан текширди, яна бир марта саҳифаларини қараб чикди, кейин

турли жойларга қўнғироқ қилиб, сўрай бошлади. Кейин кабинетидан чиқиб, паспортимни бошқа ходимга берди ва мени бир нечта милиционерлар ўтирган бошқа хонага олиб борди. У ерда фуқаро кийимидаги 22-23 ёшдаги ходим ҳам бор эди, у мени кўриб “қувониб кетди”. Кейин бошқа ходимлардан менга нисбатан баённома тузиб, депортация ҳақида қарор чиқаришни талаб қила бошлади. **ДЕПОРТАЦИЯ!!!**

Тушунтириш хати

Бу йигит милиция ходимларининг жонига теккани кўриниб турарди, ҳеч ким унга қулоқ ҳам солмасдан, ўз ишлари билан машғул эди. Яна ҳамма паспортимни йигирма марталаб текширишга тушди, бошқа жойларга қўнғироқ қилиб сўрай бошлашди ва ҳоказо. Паспорти менга қайтаришди, кейин олишди, яна беришди, яна олишди. РОВДда ҳеч ким менга нисбатан қандай йўл тутишни билмасди. Бу менинг газабимни қайната бошлади!

Менинг масалам ҳал бўлавермаганидан кейин, ўртоғим кутишдан чарчади ва паспортимни олиб, туман милиция бўлимининг бошлиғи билан гаплашгани кириб кетди. Бу суҳбатдан кейин аниқ бўлдики, мен Ўзбекистон худудидан рўйхатдан ўтмасдан 5 кун давомида бўлишим мумкин экан. Бу хулосадан милиция ходимлари ва айниқса фуқаро кийимидаги анави ифлоснинг хафсаласи пир бўлди. Мен Ўзбекистонда уч кундан бери юргандим, менга ҳаттоки расмиятчилик учун ҳам ҳеч қандай айбни ёпиштиришнинг иложи йўқ эди. Аммо бўлимга олиб келинганимни асослаш керак эди, шунинг учун мен 23:00 дан кейин кўчада юрганим учун айбдорлигим ҳақида милиция ходимлари томонидан огоҳлантирилганим тўғрисида тушунтириш хати ёзишни талаб қилишди...

Бу жиннихонанинг чиқиш эшигига бордим, ташқарида қариндошларини кутиб турган одамларни кўрдим. Бизни кўрганлар қўлимизни сиқиб, бу аҳмоқликдан кутулганимиз билан табриқларди.

Мана сизга юриш эркинлиги, мана сизга яшаш эркинлиги.

Тамом!

Ўқувчингиз

Манба: “Фаргона” АА



Ўзбекистон ҳукумати томонидан эски паспортларнинг ҳорижда амал қилмаслиги расман маълум қилинди

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги эски (нобиометрик) паспортлар 2015 йилнинг 31 декабридан бошлаб ўз кучини йўқотгани борасида расман маълум қилди.

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Вазирлик президентнинг 2011 йил 5 январидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига кўра, Ўзбекистон фуқаросининг нобиометрик паспорти 2015 йилнинг 31 декабридан сўнг ўз кучини йўқотганини таъкидлаган.

Ушбу фармонга мувофиқ эски паспортларни 31 декабрдан кейин ишлатиш мумкин эмас ва 1 январдан бошлаб ҳорижда бўлган Ўзбекистон фуқароси агар биометрик паспорти бўлмаса, “Ватанга қайтиш учун сертификат”ини олиши шарт ҳисобланади.

Ўзбекистон Ташқи ишлари вазирлиги билан Ички ишлар вазирлиги ҳамкорликда қабул қилган “Ўзбекистон Республикасига қайтиш учун сертификат бериш тартиби тўғрисида йўриқнома”га мувофиқ чет элда бўлган фуқаро Ўзбекистоннинг ҳориждаги консуллик бўлимларига мурожаат қилиб, ушбу ҳужжатни олиши лозим.

ЎХХ хабарлар бўлими

Ўзбекистонда халқнинг катта қисми оғир аҳволда қолаётгани онг-шуури очик кишиларнинг барчасига маълум, алҳамдулиллаҳ.

Халқнинг оғир аҳволи фақатгина моддият билан эмас, балки руҳоний оламга қилинаётган тажовуз билан боғланиб кетган. Мамлакат раҳбарияти, масалан, президент халқни – одамларни беҳаё бўлишга, фахшга ва даъюсликка ундаса, бунга ишониниш мумкинми?

Ишонаверинг, бунга ишонса бўлади. Чунки Ислоом Каримов бошчилигидаги ҳукумат халқни беҳаё бўлиши, ўз номус ва иффатини йўқотиши учун жон куйдирмоқда.

Бу шундай ҳолки, бир қараганда унинг аниқ қирраларини топа олмайсиз. Чунки ҳар куни Каримов ва унинг шотирлари ТВ, радиога чиқиб олиб маънавият ҳақида жаврайбериб, вайсайвериб одамларнинг қулоғини қаттиқ қилиб юборди. Чунки ураверсанг, эти қотар, гапирверсанг бети қотар деб халқ билиб айтган.

Гапда – маънавият, ишда эса бузуқлик авж олдирилган. Бу қасдан, чуқур ўйлаб қилинаётган иш. Иёботларимиз:

Каримов аёлларнинг ижтимоий фаоллигини оширамиз, уларнинг бахтсиз бўлиб қолишига йўл қўймаймиз, мен аёлларимизни севаман деган сафсата сўзлар билан ўзбек халқининг хотин-қизлари иффатига улкан тажовузларни амалга оширмоқда.

Бу тажовуз – хотин-қизлар номусининг топталиши куйидаги нуқталарда намоён бўлиб турибди: аёллар сиёсатга, ижтимоий ҳаётга мажбуран жалб қилинпти – маҳалла ва кишлоқ фуқаролар йиғинларига оқсоқол, турли муассасаларга раҳбар сифатида аёллар танланмоқда.

Бу аёллар ҳуқуқини эрлар билан тенг қўйиш деб баҳоланмоқда. Аслида эса аёлларнинг афифа хилқат экани унуттирилмоқда, мансабга тайинлаш орқали улардаги аёллик нафосати ва гўзалликдан маҳрум қилинмоқда.

Аёл оиладан узиб олинди, узоқларга улоқтирилмоқда. Оилада бошқарув аёлларга олиб берилмоқда. Каримов қизлар кечроқ турмушга чиқсин, шунда улар эрларини ҳам қўлида маҳкам тутишади деган гапни бир учрашувда қатъий таъкидлаган эди. Буни ўзим шахсан эшитганман. Бу сўз ТВда эълон ҳам қилинган.

Каримов одамлар наздида



Ўзбекистон: ҳамлага шай йўлбарс

гўё аёлларнинг қадрини юқори кўтармоқда, аслида эса у аёлларни балчиққа тикмоқда. Ишонинг, у қилаётган ишнинг энг мулойим таърифи шу: Каримов аёлларни балчиққа тикмоқда – бундан кўполроқ таъриф айтишдан ўзимни тиймоқдаман.

У гўёки аёллар учун мукофотлар жорий қилмоқда. Бу билан у чинакам мукофот Аллоҳдан бўлишини одамлар ёдидан ўчирмоқчидек.

Республиканинг водий ҳудудларида аёллар эрларнинг қаттиқ ҳимоясида экани маълум. Аммо Каримов одамлар у ерларда уйда ўтирадиган аёлларни ва уларнинг оилаларини танқид остига олмақда.

Катта-катта йиғилишларда фалон маҳаллаларда аёллар уйда ўтиради, бунга унинг эри, ота-онаси айбдор, аёлларни кўчага олиб чиқиш керак деган “муаммо”ларни кўтармоқдалар.

Каримов иложи борича, ҳамма соҳада аёллар иштироки кириб боришини буюрмоқда. Ҳатто, у аёллардан умумий фойдаланиш ҳақида ҳам кўрсатма бермоқда.

14 январ ҳар йили Ўзбекистонда Қуролли кучлар куни сифатида нишонланади. Зўраки тантаналар ўтказилади. Яқинда ҳукумат шу тантаналарда турли ҳарбий қисмларга университет талабаси бўлган қизларни ясангириб олиб бориш ва аскарларнинг орасида расмга тушиш ҳақида фармон берган.

Вилоятлардан келиб Тошкентда

ўқиётган қизлар ясаниб, узоқ вақт казармадан чиқмай хизматда бўлган аскарларнинг олдида ўзларини кўз-кўз қилиб юришибди. Уларнинг ўртасида суратга тушмоқдалар. Бу суратлар эса интернет сайтларида эълон қилинмоқда. Сиз буни қандай рўй беришини тасаввур қилиб кўряпсизми?

Айни балоғатга етган, кучга тўлган ва узоқ вақт аёллардан бебаҳра қолган аскарлар ўртасида атир сепиб хиром қилиб юрган университет талабаси бўлган 20 – 22 ёшли қизларни кўз олдингизга келтиринг. Уларга нечта кўз хирс билан тикилиб турган экан?

Бу – бокира қизларни текин бозорга солиш эмасми? Яна бу ишга шахсан олий таълим вазири амр қилган бўлса-чи!

Бу ҳолат узоқ тарих эмас, шу кеча-кундузда 14 январ муносабати билан бўлиб турган воқеалардир.

Майли, бу ҳақда хулоса қилишнинг сизга қолдирамиз ва Каримовнинг “аёлларни ҳимоя қилиш” деган шахсий дастури ортида нима тургани ҳақида фикрлашсак.

Аёлларнинг жамиятга мажбуран олиб кирилиши эрларнинг пассивлашувга олиб келади. Бугун Ўзбекистонда минглаб оилаларни аёллар боқаётгани, улар бозор қилиб оила хўжайинига айлангани сир эмас.

Бу ҳол эса ёш авлоднинг орсиз ва ожиз бўлиб қолиши учун хизмат қилмоқда. Каримовнинг мақсади – шу. Чунки аёллар фаол

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Ўқтам Пардаев суд залидан озод қилинди

бўлган жамиятда эрлар ўзларининг ҳимоячи сифатидаги ўринларини бой берадилар. Бу жамиятнинг бошқариш, истаганча эзиш мумкин.

Хорижда кенг миқёсда ўзбек қизлари ва аёллари фоҳишалик ортидан уйларига пул жўнатиб турганлари ҳам ошқора, аммо шармандали ҳақиқат. Буларнинг барчаси Каримовнинг шахсан ўзи амалга ошираётган пландир.

Сиз бизни Каримовга оғир айб қўйишда айбланманг.

Биз ҳақиқатни айтаётимиз. Ҳеч нарсани бўрттираётганимиз йўқ.

Каримов тахтада умрбод қолиш учун ўз халқини ор ва номусдан айирмоқда. Унинг шотирлари эса бу борада фидокорлик кўрсатмоқдалар. Чунки уларнинг барчаси маънан бузук, атрофда ҳамма бузук бўлса, улар учун гўё ҳеч қандай хатар бўлмайди.

Тасдиқланган ҳақиқат шуки, бузуклик, у қандай турда бўлмасин, ҳамкорлик қилинмагунча тарқамайди, кучга кирмайди.

Каримов аёлларни фаоллаштириш баҳонаси билан Ўзбекистон бўйлаб орсизлик, номуссизлик уруғларини сочмоқда.

У ва унинг ҳукумати Ҳақ ботиндан, албатта, голиб бўлажagini унутиб қўйган. У қанча курашмасин, у қурган режим таг-туғи билан қўпорилиб кетишига шубҳа йўқ, иншооллоҳ.

Ўзбекистон Халқ ҳаракати бир куни ўз мақсадини амалга оширади – Ўзбекистонда одил ва ҳақиқатгўй бир ҳукумат барпо бўлажак, Худо хоҳласа.

Бу ҳақиқатга шубҳа билан қарайдиганларга сўзимиз ушбудир:

Ўзбекистонда бизнинг ҳаракатга хайрихоҳ бўлган одамлар миллионлаб топилади. Улар вақт кутишмоқда.

Имкони бўлиши билан Ўзбекистоннинг бугунги ҳукумати супуриб ташланади. Халқ орасида бизни қўллайдиган маърифатпарварлар етарлича топилади, Худо хоҳласа.

Бугунги сукунат Каримов ва унинг режимини хурсад қилаётгандир, аслида улкан йўлбарс даҳшатли хужум олдида нафас ростлаб турибди.

Бугун зулм қилаётган золимлардан олинадиган қасос шафқатсиз бўлажак. Бу қасосни одам боласи эмас, Ҳақнинг ўзи олади. Чунки бу Унинг ваъдаси.

Абдуллоҳ Нурут

37 ёшли жазолик инсон ҳуқуқлари фаоли ўз устидан бошланган маҳкама жараёнининг илққунида суд залида озод қилинган. Бу ҳақда унинг яқинлари кеча 11 январ куни кечкурун Фергана.ру интернет нашрига маълум қилишган. Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари мустақил ташкилотининг Жиззах вилояти бўлими раиси бўлган Ўқтам Пардаев ўтган йил 15 ноябр куни ҳибсга олинган. Жиззахлик фаолга қарши айбловлар ўтган ой охирида расман илгари сурилган.

У “ҳақорат қилиш”, “фирибгарлик” ва “пора берганлик”да айбланган.

Ўқтам Пардаев устидан маҳкама жараёни эса, шу ҳафта душанба куни Жиззах вилояти Дўстлик тумани судида бошланган.

Фергана.ру интернет нашрининг хабар беришича, дастлабки маҳкама тингловидаёқ давлат қораловчиси судланувчига 7 йилу 8 ойлик қамоқ жазоси берилишини сўраган.

Аммо, яқинларининг ушбу интернет нашрига айтишларича, суд Ўзбекистон Конституцияси куни муносабати билан ўтган йил декабр ойда эълон қилинган амнистияга мувофиқ, Ўқтам Пардаевни авф этишга қарор қилган. Фаол суд залида озод қилинган. Ўзбекистон Мустақил Инсон ҳуқуқлари фаоллари Ташаббус гуруҳининг бу хусусда тарқатган расмий билдиришномасида айтилишича эса, терговчи Ориф Анорбоев тергов жараёнида фаолга қарши илгари сурилаётган айбловларни исботлаши мумкин бўлган далилларни топа олмаган. Гуруҳ раҳбари Сураат Икромовга кўра, “амнистияга мувофиқ озод этилган эса-да, фаол, аслида, ишида “бирор бир жиноий унсур” бўлмагани туфайли эркинликка чиқарилиши шарт бўлган”. – “Чунки унинг ишида айбини исботлаши мумкин бўлган бирор бир далил йўқ”.

Ўз ўрнида таъкидлаш жоиз, жазолик инсон ҳуқуқлари фаоли орада кечган вақт давомида ўзига расман қўйилган айбловлардан бирортасига иқдор бўлмаган.

Ҳибсда экан, бу ҳақда Ўқтам Пардаевнинг яқинлари давомий равишда билдириб келишган.

Фаолнинг ҳимоячиси, дўстлари ва ҳамкасблари эса, унга сурилган барча айбловларнинг “тўқима” эканини таъкидлаб келишган.

Қатор халқаро ва маҳаллий инсон ҳақларини ҳимоя этиш ташкилотлари ҳам Ўқтам Пардаевнинг ҳибсга олинишини тўғридан-тўғри унинг ҳуқуқбонлик фаолияти билан боғлашган.

Орада “Хьюман Райтс Вотч”, Норвегия Хельсинки қўмитаси каби қатор халқаро ташкилотлар хос баёнотлар билан чиқиб, жазолик фаолнинг зудлик билан озод этилиши талаб қилишган.

Фергана.ру интернет нашрининг ўзи имконли бўлган айрим маълумотларга таяниб хабар беришича, озод этишаркан, Ўқтам Пардаевга уч йилгача инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш фаолияти билан шугулланиши маън этилгани ҳам айтилган. Аммо, худди шу ўринда нашрнинг ёзишича, бу каби тақиқнинг ёзма нусхаси ва унинг нимага асосланганига оид бирор-бир изоҳни, ҳозирча, қўлга киритишга имконли бўлишмаган.

Маҳкама залида озод қилинган айтилган Ўқтам Пардаев ҳам, ҳалича, бу хусусда бирор бир муносабат билдирмаган. 37 ёшли инсон ҳуқуқлари фаоли Жиззах вилоятидаги порахўрлик ҳолларини фош қилган, пахта далаларидаги болалар ва катталарнинг мажбурий меҳнати бўйича кузатув олиб борган. У охири ойларида маҳаллий ҳокимият томонидан босим ошгани ва ўзи мунтазам равишда кузатилаётганини билдирган.

Аввалроқ унинг укаси Шароф Пардаев Би-би-си билан суҳбатда ақаси ҳуқуқбонлиги учун ҳокимиятдагилар «қаҳри»га учраганини айтган.

Ўқтам Пардаев 2012 йилда ҳам ҳибсга олинган ва 15 суткадан кейин қўйиб юборилган.

У 2006 йилдан буён Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари мустақил жамиятининг Жиззах вилояти бўлими раиси бўлиб ишлаб келган.

Ҳибсга олинишдан бирмунча аввал Ўқтам Пардаевнинг хорижа чиқиш визасига оид сўрови рад этилган ва фаол мутасадди идоралар устидан шикоят қилиб, расман маҳкамага мурожаат этгани ҳам хабар қилинган.

Ўқтам Пардаев Ўзбекистондаги фаолият юритишига тўсқинлик кўрсатиладиган кам сонли инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларидан биридир.

Манба: bbc.com/uzbek

ГУЛНОРАНИНГ МИЛЛИАРДИ ЎЗБЕКИСТОНГА ҚАЙТАДИМИ?

Европада “ўзбек иши” номини олган коррупция жанжали ортидан Ўзбекистон фуқаролари номига Ғарб банкларида очилган ҳисоблардаги камида 1 миллиард АҚШ доллари музлатиб қўйилди. 2015 йил 16 декабрь куни Ўзбекистон Адлия вазири АҚШ маҳкамасига бу

пулларни Тошкент ҳукуматига қайтариб беришни сўраб расман мурожаат қилди.

Тошкентнинг президент Каримовнинг тўнғич кизи Гулнора Каримованики экани тахмин этилаётган бу миллиард долларни қайтариб олиш имкони борми?

Озодликнинг бу саволига «Гулнора Каримова миллиард долларни қандай ўмарди?» деган савол юзасидан махсус журналистик суриштирув ўтказган Уюшган жиноятчилик

— Бир қараганда, ўзбек томонида қўйган талабда жон бордек. Агар кимдир давлат ва халққа тегишли пулларни коррупция билан ўғирлаган бўлса, бу одамлар маҳкаммага тортилиб, айби исботлангач, пуллар асл эгасига қайтарилиши керак. Адлия вазири ўз мактубида шунга

жуда заиф. Аммо АҚШ маҳкама тизими шундай тузилганки, агар маҳкамда ютиш учун қаттагина пул ташлаб, қудратли адвокатларни ёллашга қурбингиз етса, жараён йилларга чўзилиши мумкин. Гап оз пул ҳақида эмас, 1 миллиард доллар устида бормоқда ва кўриб



турганимиздек, ўзбек томонида адвокатлардан пул аяйдиганга ўхшамайди (Ўзбекистон ҳукумати ўз ҳимоясига Нью Йоркдаги қудратли Holwell Shuster & Goldberg адвокатлар ширкатини ёллаган — таҳр.). Шунинг учун, бу жараённинг камида 2-3 йилга чўзилишини кутиш мумкин. Бундан ташқари, ўзбек томони бу пулни қайтариб олиш учун Вашингтонга сиёсий таъсир ўтказишга ҳам уриниб кўради. Лекин АҚШ адлия тизими

ва коррупцияни ёритиш халқаро лойиҳаси бош муҳаррири Drew Sullivan жавоб берди.

— Ўзбекистоннинг бу сўровида манфаатлар тўқнашуви каби жиддий бир муаммо бор. Бу пулларни ўғирлаган одам Ўзбекистон президентининг кизи, яъни бевосита биричи оила вакили. Ўзбекистон Адлия вазирлиги биз ўғриларни жазоладик, деяпти. Аммо Ислом Каримов ҳали ҳам президент ва унинг кизи Гулнора жазоланиб, қамалгани ҳақида бирор расмий маълумот йўқ. Гулнора Каримованинг уй қамоғида экани ҳақидаги гапларни ҳам тасдиқлаш имкони йўқ. Балки у айни дақиқаларда Сан Тропеда (Франция жанубидаги асосан зодагонлар яшовчи шаҳарча — таҳр.) мазза қилиб юргандир, балки у ҳали ҳам ҳукумат фаолиятининг сердаромад соҳаларини назорат қилаётгандир. Биз буни билмаймиз. Шу боис, АҚШ маҳкамасини бу пулларни қайтариб бериш кераклигига ишонтириш жуда қийин бўлади.

Озодлик: Ҳозирча расман тасдиғини топмаган маълумотларга кўра, ўзбек маҳкамаси Гулнора Каримовани судлаб, унга уч йиллик уй қамоғи жазоси тайинлаган. Агар шу маълумот тўғри бўлса, унга асосан Тошкентнинг, Гулнора Каримова ҳам қилмиши учун жазоланди, ҳукумат ва Гулнора бир нарса эмас, аслида биз жабрланувчимиз, деган асосда 1 миллиард долларни қайтариб олиш эҳтимолини қандай баҳолайсиз?

урғу бермоқда. Аммо фундаментал муаммо шундаки, Гулнора Каримова бу пулларни отаси президент бўлган даврда ўзлаштириб келди ва на ота ва на унга ҳисоб берувчи ҳукумат уни тўхтатиш учун 10 йилдан кўпроқ вақт давомида ҳеч нарса қилмади. Ниҳоят, дейлик Гулноранинг маҳкаммага тортилиб, унга уй қамоғи берилгани рост ҳам бўлсин. Уч йиллик уй қамоғи, биргина телекоммуникация соҳасида бир миллиард доллар ўғирлаш жиноятига лойиқ жазоми? Биз ўзбек адлия тизимини яхши биламиз. Минглаб одам 100 доллар нари-берисида пора олди деган айб билан узоқ йиллар қамоққа ташланмоқда. Бундай қаттиқ жазо усули нега бир миллиард доллар ўғирлаганга қўлланмаяпти? Биз ҳали президент кизининг ҳукумат тизимлари воситасида бошқа соҳалардан халқ ва давлатнинг қанча пулини ўғирлаганини билмаймиз. Яна такрорлайман, музлатилган бир миллиард бор-йўқ учта мобил алоқа ширкатидан олинган пора, айсбергнинг учи холос.

Озодлик: 28 январь куни Нью Йорк район маҳкамаси Ўзбекистон Адлия вазирининг расмий мурожаати юзасидан ўз дастлабки қарорини эълон қилиши кутилмоқда. Сиз Америка маҳкамаси қандай қарор чиқаради, деб ўйлайсиз?

— Биринчидан, мен Ўзбекистон томони маҳкамда ютқицади, деб ўйламайман. Шахсан мен учун, улар келтираётган асослар

сиёсий ҳукуматдан мустақил бўлгани учун, бундай уринишлар иш беришига кўзим етмайди.

Озодлик: Сиз АҚШ адлия тизимлари сўрови билан музлатилган бир миллиард доллар Ўзбекистон ҳукуматига қайтарилмаслиги керак, бундай қилиш, ўғирланган пулларни яна ўғирларнинг ўзига қайтариш бўлади, деган фикрдасиз? Агар пуллар Тошкентга қайтарилмаса, у кимга берилиши керак? Бунинг учун қандай механизмлар бор?

— Ўзбек халқини тамсил қилувчи намоёндаларнинг йўқлиги жиддий муаммо. Ҳукумат халқ эмас, ҳокимият тепасидагилар манфаатини тамсил қилмоқда, халқнинг эса бу пулни талаб қилувчи легитим вакиллари йўқ. Ўғирланган 1 миллиард доллар оддий ўзбекларнинг пули. Бу пуллар мобил телефон эгаларидан ўғирланган ва қайсидир йўл билан уларга қайтарилиши керак. Қандай қайтарилиши кераклиги жиддий ўйлаб кўриладиган савол.

Агар мен АҚШ ҳукумати ўрнида бўлсам, махсус жамғарма очиб, бу бир миллиард долларни шунга берардим. Бу жамғармадан эса, иқтидорли ўзбек ёшларини хорижда ўқитиш учун грант ва стипендияларга, Каримовлар жабридан мамлакатдан қочишга мажбур бўлган ўзбекистонликларга ёрдам беришга фойдаланган бўлардим.

Манба: «Озодлик» радиоси

(Давоми: Боши олдинги сонда)

ОДИЛ ЁҚУБ СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТИ

Бир кундан сўнг кечга яқин Москвага – Отелга келдик. Бобур Қизил майдон ичидаги ГУМдан ўзига ички кийим олишга кетди. Мен Одил Ёқуб ётоғига кирдим. У бошини эгиб, ковоғини уйиб ўтирибди. Сўрашмасдан мени саволга тутди:

- Қаерларда санкиб юрибсан?
- Ўғлим масаласи билан...
- Тушунаман ... яхшими ўзи?
- Яхши, Одил оға.
- Съезд – съезд биласан...
- Биладан, Одил оға, тинчликми?
- Ўрта Осиёни пастга уришди, миллатчилик қилишди, отасига ланъат! Россия, Украина, Белорусия, Болтиқ бўйи, кавказ, қисқаси, ҳамма республикалардан СССР Халқ депутатлигига номзодлар кўрсатилди. Бир бизга ўрин йўқ, қарғиш урган юртга!.. – Оди Ёқуб столни муштлади.

- Кўнгилни кенг қилинг, Одил оға, хатоли тузатаман! – Мен бу гапни ишонч билан айтдим. Нимага асосланиб? Ўғлим иши битаётганига ё бошқа сабабми, ўзим ҳам аниқ билмайман.

- Бу ер сенга Ўзбекистонми, Мамадали? – жонланди Одил Ёқуб.

“ Жонланди, демак, менга қандоқдир даражада ишонди “ деб ўйладим ўзимча. Бундан кўнглим ўсди, рухландим. Шунинг натижаси ўлароқ миямга фикр келди:

- Сиёсий тус бераман...
- Қандай?
- Сир.
- Сенда Эврил афандим, ҳали фан ўрганмаган бир хислат борга ўхшайди, - кувлик билан қулди Одил Ёқуб.

- Мазохми?
- Жон ҳам бор. Нима дейсан, ювсақ бўладими?

Мен хаш – паш дегунча ярим люкс хона столини ўзбекча нон, тандир кабоб, қази, сир, мева – чева, арок, коньяк, “ баржомми” лар билан тўлдирдим. Шоир Шукрулло ва Рамз Бобожонни дастурхонга таклиф қилдим. Муҳаммад Солиҳни тополмадим. Қайси бир ўрис шоирни кетибди.

Қази ҳидини сездим, йўнулмаган таёқдек Пирмқул Қодир хонага кирди. Сўнг Саид Аҳмад.

- Ўзини ҳурмат қилмаса қийин – да... - дедим кесатик оҳангда.
- Эгасиз гап, - Шукрулло севинди. Чунки у икковини ҳам

ёмон кўрарди.

Саид Аҳмад кизармади ҳам. Пирмқул ер тагидан менга хўмрайиб қаради. Унга афтимни бужмайтирдим. У ичидаги қора ниятлари акс этиб турган башарасини четга бурди.

Қадахларга арок, коньяк қуйганимдан кейин кириш сўзи ўрнида шуни айтдим:

- Оқсоқоллар, эртага ўзбекининг энг улуғ ёзувчиси Одил Ёқуб СССР Халқ депутати бўлади. Шу

Эврил Турон: Кишанланган Қалблар-31

муносабат билан мен бу ўтиришни уюштирдим. Яхши ният учун ичамиз!

“ Ўзбекининг энг улуғ ёзувчиси... Шу муносабат билан мен бу ўтиришни уюштирдим...” деган сўзларга атайлаб ургу бердим.

Сўзим ўққа айланди. Ўзини – ўзи “ Буюк ёзувчидан “ деб юрган Пирмқул Қодир қасовудай қорайди. Бундан мендан кўра ҳам Шукрулло билан Рамз Бобожон роҳат қилишди. Енгил табиат Саид Аҳмад ичи қоралик билан минғирлади:

- Бу гапни қаердан олдинг?
- Осмондан...
- Олдин ичайлик, Саид, кейин савол берасан.
- Ичмайман!

- Мен ҳам ичмайман, - Пирмқул Қодирнинг овози биксиб чиқди. Худди... айтишга ҳам тил бормайди.
- Санларни ҳеч ким зўрламапти,
- Рамз Бобожон уларни сўз билан ўйиб олди, - иззатларингни билиб ўтирларинг.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳақ томонда турувчи Шукрулло омбирни баттар буради:

- Ўзи санларни ким қакирди?

Мен ўлганнинг устига тепдим:

- Эртага буюк ёзувчи Одил Ёқуб СССР халқ депутати бўлади! – Қадахни кўтардим. Одил Ёқуб, Шукрулло, Рамз Бобожонлар ҳам.

- Қулоққа тепаяпсан! Аҳмоқона гап. Сайлов ўтган, - деди аламдан титраб Саид Аҳмад.

- Аҳмоқлар шундай ўйлашади.

Иккови ҳам ич – ичларидан қуйган ҳолда хонани тарк этишди. Табиатан оқ кўнгил инсон – Одил Ёқуб ҳам хатто уларга “ Ўтиринглар “ демади...

Шу кеча биз (Тўра Мирза, мен) отелма – отел юриб, съездга қатнашаётган турк тилли ёзарларга, Болтиқ бўйи, кавказ, Украина, Оқ рус, Молдаван адибларига



дардимизни айтдик... Улар “ Қўллаимиз “ дейишди. Асарларини ўрис тилида ёзадиган Темур Пўлатдан илтимос қилдим:

- Одил Ёқубни СССР халқ депутатлигига кўрсатасиз.

Темур Пўлат иккиланмай рози бўлди.

Пирмқул Қодир ва Саид Аҳмад СССР Ёзувчилари Уюшмаси раиси Карповга мени ёмонлашибди:

“ Маҳмудов пантуркист, унга сўз берилса, расво қилади...”

Буни мен тўпланти давомида Одил Ёқубдан эшитдим. Икковига ҳам раҳмим келди: Шўрликлар...

Менга сўз берилмагандан кейин, сўнгги йўл – чопулга ўтдим. Бу чоғда ўриснинг қобилиятли ёзари Валентин Распутин гапираётган эди. Унинг қўлидан микрофонни юлиб олдим. Валентин Распутин қаршилиқ қилмади. Кулибгина қўя қолди.

Зал хайрон,
Зал жим.
Сизловик (чипқон) ёрилгандек ёрилдим:

- Ўртоқлар узр, Валентин узр, қўполлигим учун. Чунки қанча ҳаракат қилсам ҳам менга сўз беришмади. Шунга...

Сўзимни тугатолмадим. Залда қарсақ, овозлар янгради:

- Гапир,
- Тортинма,
- Эшитамиз...

- Шовинистлар Ўрта Осиёни СССРдан ажратиб қўйишди. Улкан залга қабристон жимлиги чўқди. Съездага раислик қилаётган (кимлиги эсимда қолмаган) киши тамоғини йиртиб қичқирди:

- Сенга сўз берилмади, Маҳмудов, тартибни бузма!

Унга қарши бақирди:

- Гапирсин!..
- Сўзини бўлма!..

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Раис иложсиз қолди.
- Ҳар куни – ҳар куни оммавий ахборот воситаларида демократия, интернационал, тенглик, дўстлик, бирдамлик ҳақида ёзишади. Мен съездда бунинг исботини кўрмайман. Россиянинг ўзидан ўн икки ёзувчи СССР халқ депутати бўлди. Бешта республикани ўз ичига олган улкан Ўрта Осиёдан бир киши ҳам сайланмади.

Эврил Турон: Кишанланган Қалблар-31

Қани демократия?
Қани тенглик?
Қани дўстлик?
Қани бирдамлик?..
Зал гулдирос қарсак, гулдирос овозлардан тўлғонди. Турк тилли ёзарлар ва Болтиқ бўйи юртлари адиблари ўринларидан туриб кичкиришди:
- Тўғри айтяпти!..
- Тўғри талаб!..
Украинлар менинг сўзимга жиддий тус беришди:
- Ўрта Осиёни четлаб ўтиш – сиёсий хато!
Гуржилар ҳам қалқишди:
- КПСС Марказий Қўмитасига чиқамиз!..
Ёзувчи, совет Иттифоқи Қаҳрамони Карпов ховотирга тушди ва ўрнидан туриб шу сўзни айтди.
- Ўртоқлар, айб бизда, талаб қондирилади.
Давоми қарсаклардан бино тебраниди. Темур Пўлат сўзида турди:
- Ўзбекистон ССР Ёзувчилари уюшмаси раиси Одил Ёқубовни СССР халқ депутати қилиб сайлаймиз!
Ҳамма делегатлар улуғ ёзувчи Одил Ёқубга овоз беришди. Фақат бундан икки кас айро:
Пиримқул Қодир,
Саид Аҳмад.
Одил Ёқуб СССР халқ депутати бўлганига айниқса Пиримқул Қодир кўп куйди. Оқибат: унинг юраги хуруж қилди. Одил Ёқуб менга “ Тез ёрдам “ чакиришни буюрди.
- Кўнглимга қарши бормайман, Одил оға, - дедим.
- Адашинга айт.
- Айтмайман.
- Уни шунчалар ёмон кўрасанми?
- Ўзингиз – чи, Шукрулло ака – чи, Рамз Бобожон- чи?..
- Бўлди, бас, - Одил Ёқуб

гапимни кесди ва “ тез ёрдам масаласини Мамадали Эронга топширди. У ноилож рози бўлди.
Одил Ёқуб ютуғидан Шукрулло Мирсаид ҳам биздан (Шукрулло , Рамз Бобожон, Темур Пўлат, Муҳаммад Солих, Тўра Мирза) кам севинмади.
- Ювасизлар, - дея менга яна бир тахлам уч юзталик берди. Ўзи яхши кайфият билан Тошкентга учди. Шукрулло Раҳматович миллий туйғули ёзувчиларни ўзгача

меҳр билан хурмат қиларди. Мен ўзим таниганим – раҳбарлар ичида бундай элпарвар, камтар бошлиқни кўрмаганман. У ўзбекнинг ҳар бир ютуғидан қувонадиган бегубор инсон эди.
“ Москва “ ресторанида ўн кишига тур – тур емоқ, ичмоқ ҳозирлатдим.
- Саид Аҳмадни айтма, - деди менга Одил Ёқуб.
- Айтмайман.
- Нимага? – деб сўради Темур Пўлат.
- Қасам ичган.
- Пиримқул – чи? – Гап кистирди Рамз Бобожон.
- У ҳам.
- Қандай қасам? – яна кизиқди Темур Пўлат.
- Депутат бўлсанг к... ман деган.
- Қалга – чи?
- Ундан ҳам булганч...
- Кўнгили айнийди... – юзини буруштирди Шукрулло, - эслашга арзимади. Яйраб ўтирайлик. Бугун биз осиеликлар учун қатта байрам. Одил Ёқуб учун ичамиз!
Ичишди. Мен ичмадим. Шу кечани ташкил этган давлат арбоби – Шукрулло Мирсаидга ичимда дуо қилдим.
Мамадали Эрон давраимизга қўшилди. Одил Ёқуб “ Пиримқул қандоқ? “ деган маънода унга боқди.
- Ҳозирча тирик.
- Жинам урмайди, - луқма ташлади Темур Пўлат,
- Бахилнинг боғи кўкармайди, - деди Рамз Бобожон.
Узоқ ўтирдик. Кўнглимиз гулдай очилди. Сўнг сўзни Одил Ёқуб айтди:
- Ўзбекда “ Тангри одамнинг кўнглига солади” деган гап бор. Шунинг чинглигига бугун ишондим. Мамадали бежиз “ Эртага депутат бўласиз “ деб айтмаган экан. Тангри уни шунга

ундаган – да.
- Тўғри, - Шукрулло Одил оғани қувватлади.
- Мамадалининг камчиликлари кўп. Лекин мен унда Чўлпонча, Фитратча, Қодирйича жасорат бор деб ўйламайман. Агар кишида қобилият бўлса ҳам, жасорат бўлмаса, ундан ёзувчи чикмайди. Чунки кўрқоқ. Миллат сотарлар чўлпонларнинг асарларини ерга уришди. Ўзларини эса Ватан хоини” деб оттиришди. Тарих олдида чин қотил ким?
Ўрисми?
ҚГБ ми?
Йўқ!
Қаҳҳор!
Қаҳҳорлар!..
Сотқинларни ер ютди. Асарлари ит ўлигидек унутилди. Чўлпонлар яшаяптилар.
Ухлоқ қалбларни уйғотиб, Кишанларни парчалаб, Қафасларни бузиб!
Бўронлар каби гувуллаб!
Пўртонлар каби Қайнаб, Тошиб, Ҳайкириб!..
Мамадалининг “ Туманли кунлар “ (Боғдон қашқир “) қиссаси билан “ Ўлмас қоялар “ романи нашр этилганда, ёздиқлари бир чақага қиммат бу ўлик қалблар – Қул, Гул, Эроз, Ғайридинлар унга осилдилар: “ Босмачини улуғлаган”, “ Бадиий бўш “, “ Миллатчи”, “ Пантуркист”..
Агар ўттизинчи йиллар бўлганда! Мамадали отиларди.
Кони ёт қузғунлар ўлик устида ўйинга тушардилар.
Устозлари – қаҳҳорлар мисол.
Яхши ҳам замон ўзгаришга юз тутган.
Ўртабузарлар қабиҳ мақсадларига эришолмагач, юқорига чопишяпти... Ёлғон, тухмаглар билан. Ҳар қандай фикр ўзгариши мумкин.. Охири хайрли бўлсин... Аммо шуни айтиш, ғараз ниятли тўдавозлар ўлишлари билан унутилади, ёздиқлари ахлатхоналарга ташланади.
Гапни чўзиб юбордим. Узр. Бу қадахни жасорат учун ичамиз! Ёзувчи жасорати учун!.. Тошкентга ғалаба билан қайдик. Яна ишга бошимиз билан шўнғиб кетдик. Гоҳи – гоҳида Одил оғанинг сўзини эслаб тураман:
“ Ёзувчи жасорати “..
(Давоми келгуси сонда)



Доктор Туркон Пакэрнинг ҳақиқа Ойдин Солиҳ ҳақидаги хотиралари

Ҳақиқий ҳақим бўлган Ойдин Солиҳ хоним билан 2009 йилнинг январ ойида, Анқарадаги семинарида танишдим. Уша кун ҳаётимнинг бурилиш нуқтаси бўлди. Ўзига ишонган, виқорли бир кўринишли ва айтган ҳар бир сўзи жуда ҳам таъсирчан эди; ҳар ҳолда мен учун шундай эди, чунки ўша кун унинг сўзларига эътироз билдирувчилар ҳам кўп эди. У вақтларда саломатлик марказида докторлик қилар эдим, эртаси кун Ойдин хонимнинг ёнига бордим ва "Энди мен қандай қилиб сиздан эшиитган нарсаларни била туриб, шифо истаб келганларга дори (рецепт)ёзаман" дедим.

Қисқа ва аниқ қилиб "Ёзмайсиз" деди. Ҳижомат қилишни ўрганишимни тавсия этди, чунки ҳар бир ҳақимнинг албатта ҳижоматни билиши лозимлигини айтди.

Ойдин хонимдан, аввало, ҳақиқий мўмин қандай бўлиши кераклигини, бу дунё ва унда бўлаётган ҳодисаларга қайси нуқтаи назардан қараш кераклиги, Қуръони Каримни қандай тўғри тушуниш кераклиги, ҳақиқий ҳақим қандай бўлиши лозимлиги каби кўп нарсаларни ўргандим.

Ойдин Солиҳ буюк ҳикмат соҳиби ва ҳақиқий ислом тиббиёти ҳақими эди. Унда кўрганим ва мени ҳайратга солган яна бир нарса бу ҳаётнинг ҳар соҳасида, инсонларга бўлган муносабатидан тортиб, овқатланиш одобига қадар ҳар масалада, Пайғамбаримиз Муҳаммад (С.А.В) нинг суннатиға мувофиқ иш тутишга ҳаракат қилиши эди.

Кўзлари доимо ёрқин порлаб турарди, инсоннинг ичини кўраоладиган теран ва пурмаъно назари бор эди, қалбингиздан кечган нарсани кўриб турганини ҳис этардингиз.

Хасталарига ҳам худди шундай

қарар, доно бир нигоҳ билан хасталикнинг сабабини тушунишга ҳаракат қиларди.

Бир кун хасталаридан бирига мақсади инсонлар саломатлиги эмас, уларнинг иймони эканлигини, бу замонда инсонлар ўзлари билмасдан иймонларини йўқотаётганликларини, уларни бундан огоҳлантиришга уринаётганлигини эътироф этди.

Чиндан ҳам унинг асл мақсади иймонни қутқариш, Муслмонларни бу ғафлатдан уйғотиш ва шуурлантirmoқ эди. Ҳар доим инсоннинг ягона душмани шайтон эканлигини таъкидлаб келган мужоҳид Устозим умрининг сўнгига қадар инсонларга шайтоннинг ҳийлалари, тузоқларини тушунтиришга ва уларни огоҳлантиришга ҳаракат қилди.

Ўзи билган ҳар нарсасини инсонларга тушунтиришга уринди, керак бўлса Истанбулда берган дарслари ёки вилоятма вилоят йўл кезиб ташкил этган семинар ва конференциялари билан иложи борича кўпроқ кишига етқизишга ҳаракат қилди. Унинг ёшидагилар уйларида ғам-ташвишсиз истироҳат этаркан, у чарчоқ билмасдан меҳнат қилди. Яшаб ўтган ҳаёти ва охири ўлими билан ҳам бизга гўзал ўрнак бўлди, Аллоҳ (Ж.Ж) бизларга ҳам унинг каби мазмунли бир ҳаёт ва покиза бир ўлим насиб этсин.

Энди эса Ойдин хонимнинг миссиясини биз талабалари бирлик ичида давом эттирамиз иншааллоҳ. Аллоҳ (Ж.Ж) ундан рози бўлсин, жуда ҳам севгани Пайғамбаримиз Муҳаммад (С.А.В) ҳазратларига уни қўшни қилсин!

Доктор Турконхоним Пакэр (Dr. Türkan Peker)

Туркия туркчасидан ўзбекчалаштирилди
Манба: sadesifa.com



Дўконда туширилган қовун

Боя дўконга гастронимга чикдим, харид қилиш учун. Шу дўконни бошлиғи сал суюкроқ киши, етмаганига кўзи ғилай бўлиб, бири Тошкент, бири Чорвоққа қараб туради, шундайм отдан тушса ҳам эгардан тушмайди.

Хирс билан қарашлари одамни тешиб юборади, унчалик жиним хушламайди шу одамни. Хуллас бугун дўконига кирсам, вангиллатиб ҳамма сотувчиларни сўкиб ётган экан.

Сотувчилар бошини эгиб ишини қилапти, мен оладиганимни олиб касса олдиға бордим. Уни сўкиши кассир йигитчаға ҳам таъсир қилган, лунжи осилиб турган эди. Мен ҳам бориб етмаганига ўша кишиға бўлган нафратимни кассирға сочибман:

-Жуда бўлмағур ифлос киши, кўзи ўйнаб туради буни, ҳар аёлға осилиб кўради, етмаганга оғзи коскилигини қара, ишчиларини аямай сўкишини, роса ёмон кўраман шу кишини, сизларни ҳам қийнаса керак, а? Итдай ишлатиб, кўзинг курғур ғилай, яна шу кўзи билан аёлларни рентген қиганиға ўлайми, тешиб юборай дейди икки тарафға қараган кўзи билан, кўзинг оқиб тушгур»,- десам, халиги кассир индамай эштиб турдида!

— уша мани адам бўлади, ёшлиғида кўзларини хўроз чўкиб олган,- деса буладими!!!!

Қаёққа қочишимни билмай қолдим!


Шу ҳафта фақат қовун тушурдим!!!

Дилнора Рахим
Манба: Facebook.com

Россия ҳукумати футбол бўйича 2018 йилги Жаҳон чемпионати объектларини ўз вақтида куриб битириш учун Туркиянинг курилиш компанияларига нисбатан санкцияларни юмшатишга тайёрлигини маълум қилди.

“Коммерсант” нашри ёзишича, 60 миллиард рублик курилиш ишларини бажариши лозим бўлган 30та турк компаниясига нисбатан санкция юмшатилиши мумкин.

Чемпионат объектлари курилишида иштирок этаётган турк компаниялари рус ташкилотлари билан қўшма корхона ташкил қилган тақдирдагина уларнинг Россияда қолишига рухсат этилади. Лекин қўшма корхоналарда Россия томонининг улуши 75 фоизни



Туркияга санкциялар юмшатилади

ташкил этиши талаб этилади. 1 январдан кучга кирган Россиянинг Туркияга қарши иқтисодий санкцияларига кўра, Туркиядан мева- сабзавот, товуқ гўшти келтирилиши тақиқланган.

Шунингдек, Кремль турк компанияларининг Россияда курилиш ва туризм соҳасида ишлашини ман қилган.

Анкара ва Москва муносабатлари 2015 йилнинг ноябрида турк ҳарбийлари Россияга қарашли бомбардимончи Су-24 учқичининг уриб туширилганидан сўнг совуқлашди.

ЎХХ ахборот бўлими



Икки Турк ҳаво йўллари ширкати Россияга парвозларини тўхтатди

Россиянинг халқаро фуқаро авиация қоидаларига зид ҳолатда Турк ҳаво йўллари ширкатларининг учиб гуруҳлари аъзоларидан виза талабига жавобан, “Onur Air” ва “Pegasus Hava Yolları” компаниялари Россияга парвозларини вақтинча тўхтатди.

Уриб туширилган учоқ инқирози ортидан Туркия ва Россия ўртасида юзага келган муаммоларга яна бир янгиси қўшилди. Россия, халқаро фуқаро авиацияси қоидаларига зид равишда Турк ҳаво йўллари ширкатларининг парвоз гуруҳлари аъзоларидан виза талаб қилди. Натижада Россияда кўплаб нуқталарга парвоз қиладиган “Onur Air” ва “Pegasus Hava Yolları” компаниялари, бу ўлкага парвозларини вақтинча тўхтатди.

Турк ҳаво йўллари эса Олмониядан сўнг парвозлар сони бўйича иккинчи ўриндаги Россияга учадиган гуруҳ аъзоларига муаммолар олдини олиш мақсадида виза олди. Туркия чегарасини бузган Россия

ҳаво кучларига тегишли ҳарбий учоқнинг уриб туширилиши натижасида, Россия 2016 йилнинг 1 январ кунидан эътиборан мамлакатлар орасида визасиз саёхатни тўхтатишни айтган эди. Келишувлар ортидан Россия халқаро қоидаларга зид равишда Туркиянинг йўловчи учоқларининг парвоз гуруҳлари аъзоларига ҳам виза муаммоларини юзага келтирди. Халқаро Ҳаво транспорти уюшмаси (ICAO) қоидаларига кўра, учоқдан тушмаган, келиш-кетиш сафарини амалга оширган ҳаво йўллари парвоз гуруҳлари аъзоларининг виза олиши шарт эмас. Қолаверса, гуруҳ аъзолари махсус рухсат билан 1 ёки 2 кун ушбу мамлакатда қолишлари мумкин.

ЎХХ хабарлар бўлими

Юртсеварларга...

Агар чиндан ҳам юртни севсангиз нега юртда бўлаётган адолатсизликларга қарши турмайсиз? Агар чиндан ҳам юртни севсангиз нега юртда бўлаётган адолатсизликларга қарши турмайсиз? Ёки сизнингча ёшув-қарини мажбуран пахта далаларига ҳайдаш адолатданми? Балки сиз тан олмасиз мазлум халқимиз мажбуран пахта далаларида ишлатилаётганига?

Сизнингча юртимизда порахўрлик авж олгани ҳам ёлғонми? Ўғри амалдорлар ва уларнинг яқинлари юрт бойликларини талон-тарож қилиб Европадаги банкларга яширгани, қиммат қасрларни сотиб олгани ҳам ёлғондир? Кўкрагингизга уриб ўзингизни ватанпарвар қилиб кўрсатаётганингиз сохта бўлмаса курашинг юртдаги ноҳақликларга қарши. Кураша олмас экансиз, энг камида жим туринг, жонларини хатарга қўйиб курашаётганларга қарши турмай. Сўзим охирида эслатиб қўймоқчиман-ки, «Ватан» дегани юрт бошига зўравонлик билан ўтириб олиб чорак асрдан буён зулм қиладиганлардангина иборат эмас.

Акмал Набиев,
мустақил блоггер
Манба: Eltuz.com

(Давоми: Боши олдинги сонда)

— Бўпти, қўшсам қўшарман! — деди Семен норози қўл силтаб. — Бўлдими?..

— Ие, ҳали менга зардаям қиласанми? — унинг иягини маҳкам қисдим. — Сен хунаса, аслида менинг оёғимга пайтава бўлишгаям арзимайсан.

— Ортиқ қўшолмайман. — деди Семен негадир дадилланиб.

— Шунақами? Давид, эшитдингми, оғайни гапини?

Давид бош ирғади.

— Майли, мен эски латталарни титишни ёмон кўраман. Сен илгари нима ишлар қилгансан, қанча пул топгансан. Буёғиминан ишим йўқ. ҳозиргисидан гапира қоламан. Хуллас, шу кеча... Йўқ, икки соат ичида юз минг сўм топиб келиб мана шу стол устига ташлайсан.

— Нима?.. М-менда бунча пул йўқ...

— Йўғ-э, "Волга" минган йигитнинг гулида юз минг бўлмайди?..

— Ишонинг, ака, ҳамма пулларим "оборот"да, ахир! Нега ишонмайсиз?..

Кўрдимки, босим ўз таъсирини ўтказмай қолмаяпти. Семеннинг пешонасини тер босиб, кўзларидан ёш сизиб чиқа бошлади.

— Пул бунақаларнинг жонидай гап-да! — Уйладим ўзимча. — Уша жонини суғуриб олиш эса шу тобда менинг гарданимда. Бир бойвачча ҳаромхўрдан пул ундира олмасам, Толянинг олди

да нима деган одам бўламан?..

— Майли, — давом этдим босиқлик билан. — Ўзингда бўлмаса, манави қиз ўртоқларингдан оларсан! Ё қиз ўртоқларинг сенга қарз беришмайди?

— Булар энди-энди иш бошлашяпти. — деди Семен қақшаб. — Унақанги катта пул йўқ бизларда! Илтимос, ака, бизга рухсат беринг, кетайлик! Розиман, иккала уйингизниям минг сўмданга сотиб оламан.

— Ў, ҳимматинг зўр-ку! — кулдим Давидга қараб. — Энди бизга сенинг минг сўминг керакмас. Уша пулингга-чи, бир жойингни артгин! Бизга айтилган пулларни келтириб бер!

— Йўқ унча пул менда. — қайсарлик билан эски гапини такрорлади Семен.

— Йўқ дегин?.. Агар шу ахволда ўтираверсанг, буйнингга тагин отнинг калласидай қўшимча қарзни илиб қўяман.

Семен жавоб бермади. Титраган қўллари билан чўнтагидан сигарет чиқариб тутатди-да, чўзиб-чўзиб тортди.

— Эшитдингми гапларини, Давид? — ҳамроҳимга ўгирилиб сўрадим.



Зулматдаги умр-29

— Менга рухсат бер, оғайни, — хириллаб Семен томон талпиниб қўйди Давид. — бир уриб абжағини чиқарай бу калондимоғнинг!

— Давид, абжағини чиқаришга улгурасан. — дедим шишадаги қўлбола ароқдан пиёлага тўлдириб қўйиб. — Ундан кўра, менга айт, бу боланинг аёл қариндошлари борми?

— Э, кетворган хотини бор. — деди Давид жонланиб. — Бир-икки кўрганман. Қомати во!.. Братваларнинг кўзи тушса борми... Синглисиям ўн олтига тўлди адашмасам.

— Жуда боп бўпти! — дедим керишиб. Сўнгра пиёладаги ароқни ичиб, газига қария бўлаклаб қўйган қуён гўшtidан оғзимга солдим. — Лекин... Бу йигитнинг гулиям ёмон эмасга ўхшайди. — дедим Давидга юзланиб. — Қара, дўмбоққина йигит. Братваларга айтсақ, аввал ўзини "трамвай"га қўйишарди.

Бу гапим ҳаммасидан ўтиб тушди. Хожасининг номусини астойдил ҳимоя қилишга отланган икки йигит хезланганча менга яқинлашишди. Давид эса шай турганди. Эпчиллик билан йигитлар қаршида пайдо бўлиб, бирининг бошига тўппонча, иккинчисининг томоғига пичоқ тиради.

— Утминан ўйнашмаларинг! — уларни огоҳлантирдим ҳеч нарса бўлмагандек қуён гўштини қавшаб.

— Қўйиб қоласанлар! Қўйсанг, юзингда бир умр доғ қолади. Аёллар сендан юз ўгириб кетишади.

— ҳозир буларни... — Давид лаблари асабий титраб чапдагисининг томоғига тўғни маҳкамроқ қадади. — Оёғини

осмондан қилиб, хотини йириб ташлаш керак!..

— Энди хотининг ва синглинга келсак, — Семенга ўгирилиб чала қолган гапимни давом эттирдим. — уларниям братваларнинг қўйнига тикамиз. Ишонавер, ўша куниёқ сен билан ажрашади хотининг. Негаки, братвалар сенга ўхшаган ҳезимкаш эмас. Синглингни бўлса, хизматкор қилиб олишади. ҳар ҳолда кўпчиликнинг кўнглини овлаш ҳам савоб, йигитнинг гули!

— ҳақоратнинг ҳам чегараси бўлади-да! — Семеннинг овози баттар титраб чиқди. — Ундан кўра, ўлдириб юбора қолинглар!

— Улдириш қочмайди, йигитнинг гули! — дедим унга. — Сен ўлиб кетсанг, хотининг, синглинг, бошқа қариндошларинг-чи! Уларни қаерга кўмамиз? Гўристон ҳам чўзма эмаски, истаганча жой топаверсак.

— Шеригингизга айтинг, бизни тинч қўйсин! — қутилмаганда бошига тўппонча тиралган йигит шанғиллади. — Ё отиб ташласин!

— Сен бола, жуда маҳмадона экансан-ку! — даст ўрнимдан турдим-да, тўппончани нари суриб йигитнинг сочини чангалладим. — Бу гапинг учун шахсан сен ва манави мишиқи ҳамтовоғинг йигирма минг сўмдан нақд қўлимга топширасанлар.

— Аҳмоғингиз йўқ. — бўш келмади йигит. — Бизам кўча кўрган болалармиз. ҳариф эмасмиз.

— У, шунақами?

Дарҳол Давидга кўз билан имо қилдим. У қўлидаги қуролларни чўнтакка жойлади-да, орқасидан келиб йигитларни бўйни аралаш туширди. Улар олдинма-кетин ихраганча энкайиб қолишди. Иккинчиси — тепки йигитларнинг орқасига бориб тушди. Иккови ҳам оғриқ зарбига дош бера олмай хонани энгашган қўйи айлана бошлади.

— Ҳўш, гапимга энди тушундиларингми, қариқизлар? — масхарали оҳангда савол ташладим йигитларга. — Сенлардан сўраяпман!

Йигитлар бараварига бош ирғади.

— Бу бошқа гап. Ана энди, Семен, сен гапир! Шартим тушунарли бўлдими ёки бошқатдан бошлайми?

— Мениям битта шартим бор. — сал дадиллашиб тилга кирди Семен.

— Нима? — бу гапни эшитган Давид бир сакраб унинг тепасида ҳозир бўлди. — Қанжиқ! Кимга шарт қўяётганингни биласанми?

— Қўй, шarti бўлса, айтсин! — дедим Давидга. — Айт, йигитнинг гули! Нима шартинг бор?

— Шерикларимдан пул олмайсиз. — Нега?

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

— Улар энди оёққа туришяпти.
— Буни менга қизиги йўқ.
“Разбор”га тушгандан кейин орқага йўл қолмайди. Қолаверса, булар маҳмадоналик қилиб қўйишди. Маҳмадонларни жиним суймайди.
— Илтимос, улардан пул олманг! Майли, мен айтганингизни олиб келаман. Фақат йигитларни тинч қўйинг!

— Улар ҳам айтилган пулларни олиб келишади. Келгусида учовингам шахсан менга улуш бериб турасан. Эвазига сенларни бегоналардан ҳимоя қиламан. Қани, бўл тез! Уйингга қўнғироқ қил! Хотининг айтилган пулларни олиб келсин! Сенлар ҳам бўла қолларинг! Мамед оға, уйингизда телефон борми?

— Хотиним пуллар қайдалигини билмайди. — деди Семен. — Узим бориб ярим соат ичида олиб келаман.

— Сен билан бирга Давид ҳам боради.

— Йўқ, ўзим бориб келаман. Шерикларим учун ҳам ўзим пул олиб келаман.

— Сен жуда меҳрибон устоз экансан унда. — дедим Семеннинг елкасига қоқиб. — ҳақиқий йигитнинг гули шундай бўлиши керак. Тўғрими, Давид?..

— Мен барибир оғриниб бераман! — тўнғиллаб аста ўрнидан қўзғалди Семен.

— Нега энди? — бу гапидан жаҳлим баттар қўзғаб унинг йўлини тўсдим. — Акаларингга-я?

— Чунки бу пулларни менга Худо берган.

— Худо беради-ям, олади-ям! Шунга билмасидинг?

— Нима, сиз Худомидингиз?

— Йўқ, албатта. Мен ўша Худо берган пулларингни шилиб, бир меъёрга келтириб турадиган одамман. Бор энди гапни кўпайтирмай! Билгинки, шу бугундан эътиборан бизнинг паноҳимиздасан. Шунисига шукр қилсанг-чи, аҳмоқ! Хуллас, ярим соат кутаман. Пул ўз оёғи билан келмаса, бояги гапларим эсингда бўлсин! Фақат ментларга сотаман деб овора бўлма. Ўзингга жабр қиласан!

— Тушунарли. — деди Семен чиқиб кетаётиб. — Менам эркаман!..

— Эркамиш, — ижирғаниб кулди Давид бойвачча ва унинг шериклари жўнаб кетишгач. — ғирт хунасага ўхшайди-ю, эркаман деб кўкрагига ургани-чи!..

— Бойлар шунақа бўлишади. — ўқтирдим Давидга “Хўш, разборни боқладимми?” дегандай керилиб. — Улар кечаю-кундуз таҳлика ичида яшашади. Кечалари уйқуси қочади.

Тушидаям пул ўғирлатиб чиқади. Уни қўй, буни қўй, энди нима қиламиз?

Давид мамнунлигидан терисига сизмай ўтирган Мамед оғага бир қараб қўйгач, соатига қўз ташлади.

— Лекин... Боқладинг. — елкамга қўл ташлади Давид жавоб ўрнига. — Кутмаган эдим... Улай агар, бунақанги кетворган разборни яқин орада кўрмаган эдим. Иштонини алмаштиради-ёв уларинг!..

— Шунинг учун ҳам ўғримиз. — мақтаниб қўйдим кўксимга уриб. — Битта бойнинг юрагини ололмасак нима қилиб юрибмиз? ҳали шошма, насиб қилса, сен билан бунданам зўр ишларни қиламиз. Бахтимизга Толян омон бўлса бас!.. қўй, ундан кўра, айт, нима қиламиз? Қаерга борамиз? Еленани кўришга олиб борасанми-йўқми?

Зулматдаги умр-29

— Настядаги пулларни олгандан кейин тўппа-тўғри турмага жўнаймиз. — деди Давид.

— Нима?.. Мен, ахир, Еленани кўриб ўтишим зарур. Уни кўрмасам бўлмайди.

— Керак бўлса, Еленангнинг ўзи турмага боради. — Давид пиёладаги охириги чефирни сипқориб ўрнидан қўзғалди. — Бу ишинг учун ҳали Толян сени мукофотлайди, оғайни. Шундай экан, тезроқ ишларни битирайлик-да, куён бўлайлик!

— Вақт ҳам тонга яқинлашиб қолди-ёв! — гапга аралашди Мамед оға. — Келинлар, эрталабгача ўтириб кайф қилинлар! Кетиш бўлса қочмас!

— Э, қария, — дея Мамед бобонинг елкасига қоқди Давид. — ҳали кўп келамиз сизникига. Турмада нималар бўлаётганини фақат Бургут тасаввур қиляпти. Ҳали биз ментларга чап бериб Настяникига кириб ўтишимиз лозим бўлади. Сиз ўзингиз айтинг, хурсандмисиз?

— Теримга сизмай кетаяпман, болам. — деди Мамед бобо кўзларига ёш олиб. — Қариганимда қаёқдаги итфеъл бойларга оёқости бўламанмикан деб ўйловдим. Сизларни Худонинг ўзи етказди.

Уёқ-буёқдан гаплашиб турганимизча, Семен келиб айтилган пулларни қўлимга топширди.

Шундан кейингина биз машинага ўтирдик.

Настя масаласини ҳал этиб турмага етиб олишимиз учун тахминан уч соатча вақт зарур эди.

Машина серкатнов йўл бўйлаб ўқдек учиб борарди. Орқа ўриндикда ўтирибман-у, кўнглимга

қил сизмайди. Бир ёқдан Еленани қидириб топмаганим алам қилар, иккинчи тарафдан бугун бошимдан кечиси муқаррар бўлган ишларни ўйлаб ич-этимни ер эдим.

Қалбимнинг тубидан отилиб чиқишга чоғланаётган номаълум ҳайқират эса вужудимни чирмаб, асаб томирларимни зириллатарди.

— Майли, — дердим хаёлан ўзимни ўзим тинчлантириб. — Бу дунёда фақат пешонага ёзилгани бўлади. Буни Худойимнинг ўзи неча марта менга билдириб қўйди. Кечроқ бўлса-да, бу ҳақиқатни англагандай бўлаяпман. Англамасам, Настяга бўри каби ташланиб, қайтадан наҳс ботқоғига ботардим. Нафсимни енга олдим-ку! Узимни кўзига қон тўлган буқадек тутмадим-ку!.. Шукр!.. Турмада кутиб турган таҳқирлашлар бунинг олдида нима бўпти? Энг асосийси, тартибли аристон деган номга хиёнат қилмадим. Толяндек номдор ўғрининг ишончини яна бир карра оқлай билдим!..

Бироқ ҳаётда сўзимни бериб қўйишим ҳам мумкинмас. Айниқса, ҳозир мени кутиб оладиган турма ходимлари қаршисида қаддимни эгмаслигим шарт. Акс ҳолда шунча қилган ишларим бир пулга арзимай қолади. Майли, уларнинг пайтавасига қурт тушса тушаверсин. Чидайман!.. ҳар қандай азобга тоқатим етади.

Давид мени турма яқинида қолдирди-да, шу заҳоти ортга қайтди.

Ана, турманинг “қора йўлаги”. Кетишим ҳам шу йўлак орқали кечганди.

Секин бордим-у, эшикни итардим. Очилди. Ичкарига қадам қўйдим. Бино олдидаги кичик ҳовличадан ўтиб асосий эшикка яқинлашдим. Эшик ланг очиқ эди. Йўлақда кўлида супурги, латта, челак кўтариб юрган балландадаги аристонларни кўрдим. Хўш, қандай кирай?.. ҳойнаҳой, асосий дарвоза олдида офицерлар “қиличини қайраб” тургандир. Нега бу ерни бўш қолдиришди? Нахотки, айнан шу эшик орқали киришимга ақллари етмаган бўлса?..

Йўқ, уч-тўрт қадам босиб улгурмасимдан нариги тарафдан келаётган баландбўйли, тақамўйлов капитанга кўзим тушди. Турмага келганимдан бери бу капитанни уч-тўрт кўрганим бор. Ҳамиша ёнида келишган, дўмбоққина малласоч аёл бўларди. Кейинчалик билдим. Аёл капитаннинг хотини экан!..

Капитаннинг ёнида кўлида чарм таёқ ўйнатганча турма назоратчиларидан бири ҳам келарди. Улар мени кўришлари билан таққа тўхташди.

(Давоми келгуси сонда)



УЙҒОНИНГ!

Ўзбекистон ёшларига мурожаат Меҳрибон ва раҳимли Аллоҳ номи ила бошлайман.

Ассалому алайкум.

Ушбу мурожаат мактубини диққат билан ўқинг. Сиз ўрганган фикрларга қарши жумлаларни кўриб ҳурқманг.

Бу менга тўғри келмас экан, бизнинг ҳукуматга қарши экан, ватанфурушлар ғояси экан деб кўзларингизни юмиб олманг. Зотан, шу пайтгача сиз суюниб келган қарашларнинг кучини синаб кўриш зарар қилмайди. Келинг, дўстона суҳбатлашамиз. Бу ерда ҳеч ким ўзаро душман эмас. Ҳар биримиз бир замин ва бир халқнинг фарзандларимиз. Бирингиз акам, бирингиз укам, бирингиз опам, бирингиз синглимиз. Бирингиз эса тенгдошим.

Сизга айтмоқчи бўлган бир қанча сўзларим бор.

Аввало, сиз билан инсон эрки ва озодлиги ҳақида суҳбатлашмоқчиман. Бугун ҳар бирингиз Ўзбекистон мустақил деб биласиз. Унинг ривожланиб кетаётгани ҳақида гапирасиз. Юртбошига садоқатингизни изҳор қиласиз. Бир овоздан жўр бўлиб Ватан тараққиёти тўғрисида мароқ ила жумлалар тузасиз. Аслида айтаётган барча гапларингиз юзаки. Улар куруқ такрордан иборат. Телевидение, радио, матбуот – барчаси умумий ҳолда фақатгина бир хил жумлаларни қалаштиради. Ҳар бир мақола, ҳар бир китоб юртнинг тараққиёти, тўкин-сочинлиги, тинчлик-осойишталиги билан бошланади ва тугайди. Сиз ана шу муҳит бағрида улғаймоқдасиз.

Туғилдингиз. Боғчага элтдилар. У ерда фақатгина бир инсон – Ислоҳ Каримовни сизга танитишди. Мактабга бордингиз. Мактабни битириб университетга йўл олдингиз. Сизга тайин қилган

тарбиялари шу бўлди: мавжуд сиёсатни мақташ керак. Ислоҳ Каримов – қаҳрамон. Мансабга эришиш учун халқ фаровонлиги тўғрисида, юрт тинчлиги ҳақида бетиним гап сотиш лозим. Дастлаб “Одобнома”, кейин “Ватан туйғуси”, “Миллий истиқлол ғояси” қаби фанлар ўқитилди сизга. Бу ўқув “предмети” олий ўқув юртларида ҳам муҳим ўрин эгаллади. Сизнинг онгингиз миллий истиқлол ғояси, мафкураси билан тўлдирилди. Сиз мафкуравий иммунитет ҳақида тарбия олдингиз. Минбарларга чиқиб томоқ йиртиб гапиришни қаҳрамонлик дея билдингиз. Чиройли сўзлаш, “катта”ларга ёқиш, сунъийликни “энг гўзал ахлоқ” эканига ишондингиз.

Бироқ... Аммо... Лекин бу ҳолат шармандали ҳолат экани ҳақида ўйлаб кўрганмисиз, азизим?!

Мени кечиринг, бугун мен сизга сизнинг асл вазиятингиз ҳақида хабар беришга қарор қилдим. “Катталар” томонидан миҳлаб ташланган тафаккурингиз эшикларини очиб кўрмоқчиман. Шамол кўрмай моғор бойлаган онгингиз кенгликларига қуёш нури тушмоғини истайман.

Аччиқ гапларим учун афв этинг. Зотан, касалликнинг даво топиши осон эмас. Оғир ҳақиқатни елкага оладиган ёшдасиз. Ҳақиқат тиғи ила жисмингиз ичидаги ярани кесиб ташлашга мажбурсиз.

Сиз эрк деган тушунча ҳақида тўла тасаввурга эга бўлмоғингиз керак. Ватан тўғрисида партада ўқитиш мева бермаслигини ҳам билмоғингиз лозим. Ҳақиқатни яшириш эмас, ошкор қилиб, у асосда яшашнинг таъмини ҳис қилиб, бу ҳолнинг юксаклигини идрок этмоғингиз лозим.

Эрк – рост сўзлашдир. Рост сўзлаганинг учун бировдан зуғум эшитмасликдир.

Эрк – қалбинг амрини чўчимасдан аён этмақдир.

Аммо сиз-чи?

Сиз, ҳатто, қалбингиз нимани амр қилаётгани ҳақида билмайсиз...

Сиз, ҳатто, айтаётган гапларингизга ишонмайсиз.

Сиз порахўрликларни кўриб турибсиз. Ҳар қадамда ҳақсизликка йўлиқасиз.

Масалан, сиз университетда ўқийсиз. Қайсидир соҳада таълим олмақдасиз. Дейлик, муҳтарам юртбошингиз қаби, иқтисод йўналиши толибисиз. (Ўзбекистонда ёшларнинг катта қисми юридик ва иқтисод факультетларига ҳужжат топширишлари табиий ҳол – чунки тўкин ҳаётни фақат ушбу соҳа вакиллари топа оладилар!) Лекцияларнинг асосий қисми жуда зерикарли. Сиз университетга билим олиш учун эмас, вақт ўтказиш учун борасиз. Муҳитингиз – биқик. Янгилик йўқ. Ҳар куни бир хил ҳаёт. Фан оламидаги кашфиётлардан беҳабарсиз. Домлангиз берган топшириқни интернетдан кўчирилган реферат орқали “бажарасиз”.

Шуми сиз олган билим?!

Агар шу ўзлаштирингиз билан Европа ёки АҚШга келсангиз, бу ерда сиз билан бир хил йўналишда ўқиётган тенгдошлар билан беллашиб кўрасизми?

Сизга Ватан, мафкура деб тинимсиз гапирадилар. Мафкуравий қарашларни ёд олишга мажбур қилишади. Биласизми, бир хил таом меъдага тегади. Шовқин қулоқни батанг қилади. Қулоғингиз ватанпарварлик деган сохта сўзлар шовқинига тўлдирилган. Афсуски, буни англай олмайсиз, азизим.

Қолаверса, инсонлар ишлаб чиққан мафкура онгни ўлдиради, тафаккурдан маҳрум қилади.

Ахир, Ватанга бўлган муҳаббатни ўқитиш мумкинми?

Ватан ҳақида гапираётганлар Ватаннинг қонини сўрмоқдалар. Акс ҳолда, сиз университетга киришнинг “паравоз”, “бункер” деган йўлларини ахтармас эдингиз.

Чунки сиз илм кадр топмаслигини биласиз. Уз салоҳиятингизга яраша баҳо топмаслигингизни англайсиз.

Айтинг-чи, бу ҳолат ниманинг меваси? 25 йилда бир йигит уйланиб оила қуришга тайёр бўлади. Ўзбекистонда одамлар 25 йил давомида шунча муаммони наҳотки ҳамон еча олмасалар?!

Сиз чуқур илм олишингиз керак. Илм бошқа жойда қоляпти. Сиз университет учун тўлаган пулингизга яраша жавоб олмаёпсиз.

Европа университетида магистратурада таълим олаётган ўзбек толиби шундай дейди:

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

“Дастлабки тўрт-беш ойда 24 соат университетда бўлишимга тўғри келди. Чунки Европада бизга берилаётган топшириқларни Тошкентда олган билимим билан бажаришга тайёр эмас эдим. Университетдаги лабораторияда 20 соатлаб ишладим – яъни турли тажрибалар ўтказдим, китоб ўқидим. Ниҳоят бу ердаги тенгдошларим билан билим борасида тенглашиб олдим”.

Қаранг, бу йигит интилувчан бўлгани учун мана шундай самарани қўлга киритган. Тўрт-беш ой давомида у бу ердаги талабалар билан тенглашган. Ҳолбуки, у Тошкентда энг аълочи эди. Энг билими, умидли толиб эди. Демак, Ўзбекистондаги энг билимли талаба Европадаги оддий талаба билан тенглашиши учун тўрт-беш ойлаб 20 соатдан яна қайта ўқиши зарур экан-да.

Шуни сиз олаётган билим?

Биз Европани мисол тарзида келтирдик, холос. Бу билан Фарбнинг ҳаёти ва услубини тўлиқ шаклда тарғиб қилмаяпмиз. Балки ижобий жиҳатларига диққат қаратмоқдамиз. Бизнинг назаримизда унинг салбий жиҳатлари қанчалик кўп бўлмасин, ютуқлари биздан устун.

Майли. Университетларни бир четга қўйлик-да, мактаб тизимини таҳлил қиламиз. Бугун Ўзбекистон мактаб ва шифохоналаридан асосан аёллар фаолият кўрсатмоқда. Биласизки, уларнинг оладиган маоши эркак кишини қониқтирмайди. Бу масаланинг бирламчи томони. Иккинчи жиҳати шуки, мактабда таълим олаётган ўғил бола ўзи учун намуна излайди. Унинг учун асосий вақт мактаб билан боғлиқ. Ҳар куни мактабда. Ҳар куни аёллардан таълим олади. Улғайиб келаётган ўғил бола ўзи учун намуна сифатида аёл муаллимани танлайдими? У забардаст қудратни аёлдан ўрганадими?

Шунинг меваси ўлароқ етарли тарбия ва таълим олмаётган ўзбек йигитлари кўп ҳолларда шиддат, ғайрат ва мардликдан узоқлашмоқда. Буни ким рад эта олади?

Болаликдан қатъият ва жасорат руҳини олмаган, мактабдаги аёлларнинг қарғиши, уларнинг ғийбатларини тинглаб улғайган йигитдан нимани кута оласиз?

Эркак ўқитувчиларни етарли маош билан таъминлай олмаган ҳукумат ва унинг раҳбари тўғрисида қандай хулосангиз бор, дўстим?

Сиз ҳукумат ва унинг раҳбари бу иш билан шуғулланмайди деб ҳисобласангиз, адашасиз. Зотан, муҳтарам юртбошингиз таълимни сиёсат билан боғлади, мактаб ишини

давлат иши деб талқин қилди. Демак, таълим унинг қарамоғида экан, унинг сифати учун жавоб беришга мажбур. Агар у бу юкни елгага олмаганида, таълимнинг мустақиллигини таъмин этганида вазият ўзгача кўринишда бўларди.

Исбот: биласизки, мактабда ололмаган билимларингизни Тошкентда очилган турли ўқув марказларидан олмақдасиз. Мактабда ишлайдиган муаллим ўқув марказида аъло даражада болаларни ўқитмоқда. Мактаб – давлат қўл остида, ўқув маркази – хусусий. Шу оддий қиёснинг ўзи хусусий таълим тизимининг самарадорлигини яққол кўрсатиб турибди.

Майли.

Давлат таълим тизимини ўз кузатувида сақлар экан, юксак даражада кадрларга эришиш учун уларнинг моддий жиҳатини мустаҳкамлаши лозим, яъни қаттароқ ойлик тўлаш шарт бўлади. Ўқитувчиларига етарли маош тўлай олмаган давлатнинг қудратини тасаввур қилиб кўринг.

Сиз демократия деган тушунча ҳақида эшитгансиз. Аммо унинг нима эканлигини билмайсиз. Сабаби муҳтарам юртбошингиз демократияни тан олмайди. У демократияга эришиб бўлмайдиган рўё – туш деб қарайди.

Аслида ҳам шундайми?

Унинг тасаввури шундай, холос. Унинг ҳукумати шундай, холос.

Унинг айтишича, демократия одамларнинг тийиқсиз ва тартибсиз бўлиб кетишига олиб келади. Ўзбек халқи демократияни кўтара олмайди. Демократи куришга ўзбек халқи тайёр эмас. Сиз билмайсиз – биз биламиз: мустақилликнинг илк йилларида Ўзбекистонда чинакам ҳуррият бор эди. Одамлар мавжуд муаммоларни биргаликда ечишга ҳаракат бошлашган. Аммо бу ҳаракатларнинг ҳаммаси муҳтарам юртбоши томонидан бостирилган.

Демократия мамлакатда бир кишининг чексиз ҳукмронлигига йўл қўймайди. Демократия мамлакатда бир гуруҳ одамларнинг ҳукмронлигига йўл қўймайди.

Демократия мансабдорлар, амалдорлар халқнинг ҳокими деб тан олмайди, балки демократия “ҳокимлар”ни халқ истакларига мос равишда ҳаракат қилдиради, демократия “ҳокимлар”га насиҳат ва сиёсат йўли билан халқни тўғри йўлга солиб туришни тайинлайди.

“Демократия” сўзининг луғавий маъноси халқ ҳокимияти демакдир. Халқ ичидаги зиёлилар, оқ-қорани фарқлайдиганлар, илм эгалари халқни бошқарувчилар тоифасини ташкил этадилар. Улар оддий халққа таълим берадилар, уларнинг истакларини бошқарув органларига етказадилар, бошқарув

органларининг фаолиятини назорат қиладилар.

Бошқарув органида ўтирган одамлар ана шу кузатувни ҳис қилган ҳолда ҳаракат қиладилар. Бу вазифани Ўзбекистондаги парламент бажаряптими? Йўқ, албатта. Буни сиз яхши биласиз.

Юртга бош бўлиш – ҳаммага буйруқ бериб ҳузур билан яшаш дегани эмас.

Халққа ҳоким бўлиш – ўзинг учун қўлай шароитлар ҳозирлаш, дунёнинг неъматларига қўмилиб яшаш дегани эмас. Мамлакатни бошқариш – ҳамма ёққа ўз буйруқларингни жорий қилиш дегани эмас.

Давлат ёхуд бирор жамоа раҳбари ўз атрофига виждонли ва илмли иймон эгаларини жамлаб, улар билан маслаҳатлашган ҳолда бошқарув ишларини ташкил қилади. Давлат ёхуд бирор жамоа раҳбари ҳам муаммони ечиш жараёнида қўл остидагилар билан тенг мақомда туради. Муаммонинг яхшироқ ечими унга итоат қиладиганлардан айтилса, қабул қилади, ўзининг ғояси хато бўлса, воз кечади.

Мамлакат раҳбари халқ тақдири, одамлар ҳаёти ҳақида бир ўзи буйруқ беришга ҳақли эмас. Унинг шахсини кимдир ҳақорат қилса, уни қамашга, ўлдиришга ҳаққи йўқ. Балки суд оддий одамлар ўртасидаги муносабатларни қандай ҳал қилса, бу муаммони ҳам шундай ҳал қилиши шарт. Мамлакат раҳбари вазирликлар, идораларга ўзи билганича кимнидир тайин қилишга ҳақли эмас. У ҳам бошқалар қатори ўз фикрини айтади, кўпчилик қабул қилса, амр чиқарилади.

Мамлакат раҳбари аслида раҳбар эмас, халқнинг ҳамма томондан сайлаб қўйилган вакилидир. У халқ номидан, одамларнинг фикрларини ўрганиб, жамлаб баён этади. Амалга ошириладиган ишларнинг боришини назорат қилиб туради.

Мамлакат раҳбари бировни жазолашга ҳақли эмас. Жиноятчини ҳам, қотилни ҳам суд жазолайди. Мамлакат раҳбари – президентми, амирми, подшоҳми, қиролми, халифами – ким бўлишидан қатъий назар ҳуқуқ жиҳатидан оддий халқ билан тенг мақомдадир. Унинг бошқалардан афзал жойи йўқ. Унинг раҳбарлиги унга ўзгаларни жазолаш ҳуқуқини бермайди.

Мамлакат раҳбари айна пайтда халқнинг ҳимоячиси. Муҳим вазиятларда атрофидагилар билан маслаҳатлашиб, халқ номидан уруш эълон қилиши, юртга қилинган тажовузга ҳарбий куч билан жавоб беришга ҳақли.

Биз тушунган демократиянинг қисқа мазмуни шудир.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Сиз тушунган демократия қандай?

Менимча, бундай: муҳтарам юртбошининг шахси дахлсиз. У истаган одамни бирор мансабга тайинлайди, истаган одамни бўшатади. Истаган одамни ҳақорат қилади, истаган одамни мақтади. Узи ёзмаган асарга ўз номини қўйдиради. Муаммоларни ҳал қилишди ҳеч кимнинг маслаҳатини ҳисобга олмайди. Оддий халқ билан умуман учрашмайди. Қизлари эса истаган ишларни қила олади. Узи ҳақида ким ноҳўя сўз айтса, изсиз йўқотиб юборади. Ҳамма жойда фақат ўзининг ҳукми жорий бўлишини талаб қилади. Ҳамма фақат унга ёқадиган гапларни айтиб ўтиши шарт. Ҳолбуки, ҳаётда ҳамма гап ҳам унга ёқиши шарт эмас.

У ўзи танлаган йўлни тўғри деб билади. Аслида у нотўғри бўлиши ҳам мумкин. Нотўғри тарафлари ҳам кўп. Лекин ҳеч ким буни юрак ютиб айта олмайди. Чунки муҳтарам президент бунга йўл қўймайди. Кимки уни танқид қилса, ўлади.

Бу – мутлақ ҳокимиятдир.

Бу одамларнинг эрки чекланишидир.

Бу одамларни ўзаро узоклаштирадиган сиёсатдир. Чунки фақат бир кишининг истаклари амалга ошавергач, ҳеч ким ҳеч нарса ҳақида қайғурмай қўяди. Ҳеч ким бирор масала ҳақида сўз айтмайди. Чунки у минг айтгани билан ва тўғри айтгани билан ҳисобга олинмаслиги аниқ.

Азиз дўстим!

Сиз хорижга кетган тенгдошингиз ҳақида биласиз.

Уни юртдан олиб чиққан ташвиш – оила боқиш ташвишидир. Чунки юртда иш йўқ. Маҳорат ва касбига мос иш йўқ. Агар у етарли маҳорат ва касбга эга бўлмаса, буни таъминлаб бермагани учун юртбоши айбдор. У – бунга масъулдир.

Сиз чиройли жумлаларни кўп эшитгансиз. ТВ, радио ва матбуотда айтилаётган гапларнинг ҳеч бири реал ҳаёт билан мос эмаслигини яхши биласиз.

Сиз тинчлик-осойишталикка эгамиз деб гапирасиз, ҳолбуки, ичингиз тўла кўрқув.

Масжидга намозга борасиз, лекин бу ҳам кўрқув ила амалга ошади. Миллий хавфсизлик хизматининг “назарига” тушиб қолмайин дейсиз. Юриш-туришим шубҳа уйғотмасин дейсиз. Соқол ўстиргани кўрқасиз. Чунки соқол ўстирган одам гўёки террорист каби кўрилади.

Жуфти ҳалолингиз, сингил ёки онангизнинг эса ҳижоб кийиши мумкин эмас. Чунки уларга ҳам ваҳҳобий деган айб тақалади.

Мамлакатда ваҳҳобийлар, ҳизбчилар ҳақида миш-мишлар

кезади. Кўрқинчли миш-мишлар. Уларнинг жоҳил эканликлари айтилади. Майли. Ҳақиқатан шундай бўлса, муҳтарам юртбоши нима сабабдан уларнинг олдини олмайди? Узоқни кўра билса, нима учун ваҳҳобийлик авж олмасидан аввал уни сезмади?

Мамлакатдаги минглаб масжидлар ёпиб ташланган.

Ўзбек масжидлари терроризмни тарғиб қилгани учун ёпилди? Йўқ. Унда нима учун?

Кадр етишмадими?

У ҳолда нима учун етарли кадрлар тайёрлаб берилмади?

Ўзбекистондан хорижга бундан 80 – 90 йил аввал чиқиб кетган муҳожирларни биласиз. Уларнинг юртга қайтишга ҳаққи йўқми? Совет тузуми сабабли Ватандан қувилганларнинг бу юртда ҳаққи йўқми?

Нима сабабдан улар қайта олмайдилар?

Сиз вилоятлик бўлсангиз, пойтахтда юра олмайсиз. Чунки шаҳар пропискиси йўқ – сиз пойтахтда рўйхатга олинмагансиз. Республика пойтахтида махсус рўйхатдан ўтган ҳолдагина юриш ёки яшаши мумкин деган қондининг ўзи ғалати эмасми?

Шу мамлакат фуқароси бўлсангиз, исталган шаҳар ёки қишлоқда бемалол эркин юра олмасангиз, бу сизнинг ҳақ-ҳуқуқингиз поймол бўлгани эмасми?

Сиз юртимиздаги қаттиққўллик тартибни сақлаш учун деб айтасиз.

Жорий йилнинг декабрь ойида бутун мамлакатдаги ҳар бир хонадон текширилди. Икки нафар милиция ходими ва икки нафар миллий хавфсизлик хизмати ходимлари уйма-уй юришди, одамларнинг ички маҳрам хоналаридан тортиб хожатхоналар ҳам текширувдан ўтди.

Нима сабабдан?

Қишлоқларда террористлар борми? Террористнинг қаноти борми – учиб келса?

Сабаб – тартибни сақлашми?

Ўзбек халқ чорва подасими – тартибни сақлаш учун унга қамчи уриш лозим? Башарти, халқ муҳтарам юртбоши ўйлагани каби пода бўлса, нима учун 25 йилда бу “пода” одамлар жамиятига айланмади? 25 йил – чорак аср камлик қилдими? Аслида муҳтарам юртбоши одамларни кўрқувга солиб, ўз ҳокимиятининг дахлсизлигини сақлаб турибди, холос.

Нима учун сиз чала илм олишингиз керак?

Нима учун сиз кўрқиб яшашингиз керак?

Нима учун қалбингиздан ўтган фикрларни айта олмаслигингиз керак?

Нима учун сиз ўзингиз истаган

олийгоҳда ўқий олмайсиз? Нима учун ўзингиз истаган хорижий давлатга эркин чиқиб кела олмайсиз? Нима учун укаларингиз масжидга бора олмаслиги керак? Нима учун сиз давлат ишида фаолият юрита туриб намоз ўқишга имконингиз бўлиши мумкин эмас? Нима учун давлат ишхонасида намоз ўқисангиз, қамоққа тушмоғингиз керак?

Нима учун эркин фикрлаб, эркин сўз айтганингиз учун сиз ҳибсга тушмоғингиз керак? Нима учун бирор вазиятни танқид қилсангиз, сизни ишдан бўшатишлари лозим?

Нима учун масжидга бориб, имомдан дин илмларини ўргана олмайсиз? Нима учун сизни истаган милиция ҳибсга олиши керак?

Нима учун сиз сизга айтилган гапларни айтишингиз керак? Ўзингиз фикрлаб сўзласангиз бўлмайдими? Бўлмайди – сўзласангиз сизни жазолайдилар.

Сиз эътибор берганмисиз – айна пайтда Ўзбекистонда ўлик бир сукунат ҳукм сурмоқда. Жўшқинлик, ташаббускорлик йўқ.

Сабаб нима?

Сабаб – бир кишининг чексиз ҳокимиятидир.

Ҳўш, энди сиз нима қилишингиз керак?

Сиз ўзгача фикрлашни ўрганинг.

Атрофда юз бераётган ноҳақликларга совуққон бўлманг. Кимдир зулм кўрса, бефарқ бўлманг. Унинг ёнига туринг. Биргалашинг.

Сизни дабдурустан ўз ҳақингизни талаб қилиб, намойишга чиқинг демоқчи эмасман. Чунки Ўзбекистонда намойишлар ўтказиш – катта жиноят. Ҳолбуки, намойишдан мақсад халқнинг хоҳишини билдиришдир. Намойиш – халқнинг ҳукумат билан сўхбати, ўз истагини англатишидир. Бунинг ёмон томони йўқ. Аксинча бу афзал бир ютуқдир. Сизга ўзингиз, ўзлингиз ҳақида ўйлаб кўриш ҳақида тавсия қиламан.

Балки ҳаётингизни ўзгартириши керакдир. Кўрқувга чек қўйиб, мардона яшайдиган даражага етишгандирсиз... Ёки ҳали ҳам кўрқув ва журъатсизлик исканжасида қолмоқдамисиз... – буни ўзингиз ҳал қилинг.

Ушбу мактуб юзасидан abdulloh.nusrat@gmail.com ёки [facebook.com/abdulloh.nusrat](https://www.facebook.com/abdulloh.nusrat) саҳифаларига хат йўллашингиз мумкин. Сиз билан фикр алмашиш биз учун мамнуният бахш этади.

**Қамоли эҳтиром ила,
Абдуллоҳ Нусрат**

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий

нашри

www.uzxalqharakati.com/erkinyurt

Мухаррир: Нурбек Саломов